



# ХУҚУҚШУНОСЛИК

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ**  
**ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА**  
**ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

## **ҲУҚУҚШУНОСЛИК**

қайта тайёрлаш ва малака ошириш  
йўналиши

**“ОИЛА ВА БИЗНЕС ҲУҚУҚИ”**

модули бўйича

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й   М А Ж М У А**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчилар:**

М.Таджибаева – ТДЮУ “Бизнес ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси

Г.Мамараимова – ТДЮУ Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

**Такризчилар:**

Л.Ачилова – ТДЮУ Бизнес ҳуқуқи кафедраси кафедраси ўқитувчиси

Д.Хабибуллаев – ТДЮУ Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи кафедраси профессори

*Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат юридик университети кенгашининг 2020 йил \_\_\_\_ \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли қарори билан наширга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА:**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>14</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>23</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>82</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>89</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>99</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>114</b>
<b>VIII. ТАҚРИЗЛАР.....</b>	<b>118</b>

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **КИРИШ**

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5847-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

### **Модулнинг мақсад ва вазифалари**

Тингловчиларга оила ва бизнес ҳуқуқига оида фанларни ўқитиш методикаси, таълим-тарбия вазифалари, мазмуни, метод ва усулларини таҳлил этиш кўникмасини шакллантириш, унинг ўзига хос хусусиятлари, методлари, воситалари, дарс ва унинг турлари ва тузилишини ўргатиш ҳисобланади.

Модулнинг вазифаси – тингловчиларда таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш, таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш, замон

талаблари, инновацион педагогик технологиялар асосида ҳуқуқий фанларни ўқитиш методикасига бўлган муносабатларни шакллантиришдан иборат.

Шунингдек, тингловчиларга олий таълим тизимида ҳуқуқий фанларни замонавий педагогик усул, услуб ва воситаларини қўллаш самарадорлиги; тингловчиларнинг олган назарий билимларини даср машғулотларида қўллаш шарт-шароитларини тадқиқ этиш;

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Оила ва бизнес ҳуқуқи” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- тадбиркорлик фаолияти субъектлари, фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини;
- тадбиркорлик фаолиятида шартномалар, рухсат бериш тартиб-таомилларини;
- тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш, рақобат ва монополия, тадбиркорлик субъектларинининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини;
- банкротлик, оила, никоҳ, алимент масалаларини;
- фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш масалалари соҳасига оид қонунчиликдаги сўнгги ислохотларни;
- давлат таълим стандарти, дастур ва дарсликларнинг тузилиши ва мазмунини билиши керак;

#### **Тингловчи:**

- замонавий ахборот технологияларини дарс машғулотларида қўллаш;
- назарий саволлар тузиш, ҳуқуқшунос-педагоглар тажрибасидан фойдаланиш;
- ҳуқуқ фанларини ўқитишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш;
- дарс машғулотларининг таълим технологиясини лойихалаштириш ва режалаштириш;
- ҳуқуқни ўқитишда манбалар билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши лозим;

#### **Тингловчи:**

- интерфаол усуллар, айниқса “case study” методини қўллаш билан боғлиқ масалаларни таҳлил этиш;

- амалий машғулотларни ўтказиш технологиясидан фойдаланиш;
- дарс беришда кузатилиши мумкин бўлган муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш;
- замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- ҳуқуқ дарслари мавзуларининг узвийлиги ва дидактик жиҳозланиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- оила ва бизнес ҳуқуқи фанларидан дарс беришда назарий ва амалий билимларни уйғунлаштиришни самарали жорий этиш;
- талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш;
- ўқув жараёнида таълим беришнинг модулли тизимини қўллаган ҳолда тизимли мушоҳада юритиш, вазиятни баҳолай билиш;
- таълим бериш жараёнида кузатилаётган концептуал ўзгаришларни қабул қилиш;
- замонавий педагогик технологияларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари шакллантириш **компетенцияларини** эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Оила ва бизнес ҳуқуқи” модули маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган бўлиб, ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, “flip learning system”, “case-study”, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Оила ва бизнес ҳуқуқи” модули ўқув режадаги “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Юридик хизмат” каби модуллар билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ҳуқуқни ўқитиш методикаси муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш, дарсларни интерфаол усулда олиб боришга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Умумий ўқув юкламаси соатлари			
		Жами	Аудитория ўқув юкламаси		
			Назарий	Амалий	Кўчма Машгулот
1.	Тадбиркорлик фаолияти субъектлари, фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари	2	2		
2.	Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар, рухсат бериш тартиб-таомиллари	4	2	2	
3.	Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш, рақобат ва монополия, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	4		2	2
4.	Банкротликни ҳуқуқий тартибга солиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатишнинг ҳуқуқий асослари	4	2	2	
5.	Ўзбекистон Республикасида оила муносабатларини тартибга солишнинг умумий қоидалари	2	2		
6.	Никоҳ тузиш, бекор қилиш ва уни ҳақиқий эмас деб топиш асослари	4		2	2
7.	Ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, алимент масалалари	4		2	2
8.	Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш масалалари соҳасига оид қонунчиликдаги сўнги ислохот ва илмий изланишлар	2		2	
<b>Жами</b>		<b>26</b>	<b>8</b>	<b>12</b>	<b>6</b>



## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-мавзу. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари, фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари – ҳуқуқий асослар. Замонавий педагогик технологиялар. Технология ва методика. Таълим технологияси ва ўқитувчи. Дарснинг технологик картаси. Таълим жараёнида интерфаол усуллар. Гуруҳларда ишлаш. “Case-study”, “flipped classroom” технологиялари.

#### **2-мавзу. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар, рухсат бериш тартиб-таомиллари**

Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар. Рухсат бериш тартиб-таомиллари. Ўқитувчининг дарсга тайёргарланиши. Дарс ва унинг таркибий қисмлари. Маъруза машғулотларининг таълим технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш қоидалари. Ҳуқуқ дарслиги билим манбаи ва таълим воситаси сифатида. Ҳуқуқ фанларини ўқитишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш.

#### **3-мавзу. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш, рақобат ва монополия, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш. Рақобат ва монополия. Тадбиркорлик субъектларинининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Муаммоли савол тузишда амалиёт материалларидан фойдаланиш. Саволлар тузиш учун тегишли манбалардан фойдаланиш методикаси.

#### **4-мавзу. Банкротликни ҳуқуқий тартибга солиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатишнинг ҳуқуқий асослари**

Банкротликнинг ҳуқуқий табиати. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатишнинг ҳуқуқий асослари. Ҳуқуқшунос-педагоглар тажрибасидан фойдаланиш методикаси. Банкротликни ҳуқуқий тартибга солиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатишнинг ҳуқуқий

асослари мавзусида назарий саволлар тузишда эътиборга олиш зарур бўлган масалалар.

### **5-мавзу. Ўзбекистон Республикасида оила муносабатларини тартибга солишнинг умумий қоидалари**

Оила ва бизнес фанини ўқитишда соҳада илмий ютуқларга эга олимлар ва педагоглар тажрибасини ўрганиш методикаси. Амалиётдаги ҳуқуқшунослар фаолиятини таҳлил қилиш. Фан доирасида муаммоли саволлар тузиш. Муаммоли савол тузишда амалиёт материалларидан фойдаланиш. Саволлар тузиш учун тегишли манбалардан фойдаланиш методикаси.

### **6-мавзу. Никох тузиш, бекор қилиш ва уни ҳақиқий эмас деб топиш асослари**

Никох тузиш. Никохни бекор қилиш. Никохни ҳақиқий эмас деб топиш. Муаммоли савол тузишда амалиёт материалларидан фойдаланиш. Саволлар тузиш учун тегишли манбалардан фойдаланиш методикаси. Дарс машғулотларига тайёргарлик кўришда амалиётдан материаллар йиғиш, ҳужжатлар жилдини тайёрлаш методикаси. Дарс машғулотларига амалиётдан мутахассис жалб қилиш, дарснинг эффективлигини баҳолаш, талабани амалиёт билан таништириш орқали билимини ошириш.

### **7-мавзу. Ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, алимент масалалари**

Ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Алимент. Таълимининг техникавий воситалари ҳуқуқ ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили. Таълимда замонавий ахборот технологияларини қўллаш самарали усуллардан бири. Ўрганишда масофали ўқитишнинг ўрни. Электрон ўқув дарсликлари ва ўқув методик комплексларни яратиш, презентацияларини ишлаб чиқиш. Компютер орқали ўқувчилар билимини ривожлантириш ва баҳолаш.

### **8-мавзу. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш масалалари соҳасига оид қонунчиликдаги сўнги ислоҳот ва илмий изланишлар**

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш масалалари соҳасига оид қонунчиликдаги сўнги ислоҳотлар. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш масалалари соҳасига оид илмий изланишлар. Ўқувчи-талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириб, баҳолаб боришнинг мақсади ва вазифалари. Ўқувчиларнинг билим, малака ва

кўникмаларини баҳолаш шакллари ва мезонлари кундалик, оралик, якуний ва ўқув йили охирида баҳолаш методлари. Тест, ёзма ишлар, оғзаки сўров ва рейтинг тизими орқали ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш мезонлари.

### **КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш, рақобат ва монополия, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Никоҳ тузиш, бекор қилиш ва уни ҳақиқий эмас деб топиш асослари. Ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, алимент масалалари

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Қуйидаги шаклларда таълим бериш кўзда тутилган:

- бинар маъруза, бит дарс, дебатлар, вебинар;
- деворсиз мактаб;
- On-line маъруза;
- тренинг, видеотренинг
- мини-маърузалар ва суҳбатлар;
- аклий ҳужум ва бумеранг, танишув усулларида;
- дискуссия ва диспутлар (даллил ва аргументлар асосида фикрини асослашга ўрганади, тинглаш ва эшитишга мослашади);

# АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## I. Рахбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.

2. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

3. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

4. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

## II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 15-сон, 406-модда.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 2014. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2018.

4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги –Т.: Адолат, 2018 й. – 568 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал

ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ЎРҚ-327-сон қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон.

7. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 31-32-сон, 315-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январдаги 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-139-сон қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январдаги “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги ЎРҚ-364-сон қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

10. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги // Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.–2012. 18-сон 201-модда.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Тадбиркорлик (бизне) ҳуқуқи. Дасрлик. Масъул муҳаррир: ю.ф.н., доц. Х.Азизов. -Т.:ТДЮУ, 2018. -296 б.

2. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи (лотин алифбосида). Муаллифлар жамоаси. Отахонов Ф.Х.нинг умумий таҳрири остида -Тошкент: Адолат, 2007. – 466 б.

3. Оила ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. –Тошкент: ТДЮУ, 2017. 182 б.

4. Отахонов Ф., Қодиров К., Отахонов С., Хажиев Н. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар. -Т.: “Print Media”, 2011. – 560 с.

5. Оила ҳуқуқидан ўқув-услугий қўлланма. Юлдашева Ш.Р., У.Ш.Шорахметова, Б.Р.Топилдиев. –Тошкент: ТДЮИ, 2011.

6. Дўстов У.Н., Юлдошев Ж.И., Исаков Т.У., Хаитбаев М.М. Хўжалик шартномалари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2009. – 158 б.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

7. <http://www.lex.uz>

8. <http://www.senat.uz>

9. <http://www.gov.uz>

10. <http://www.my.gov.uz>

11. <http://www.parliament.gov.uz>

12. <http://www.ziyonet.uz>

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### **Материални оғзаки баён қилиш методи**

Тингловчилар томонидан билимларни ўзлаштириш ўқитувчининг тушунтиришини фаол қабул қилиш ва пухта ўйлаш эвазига амалга оширилади. Билимларни узатиш воситаси сифатида ўқитувчи нутқи муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда ўқитувчининг тингловчилар фаолиятига раҳбарлиги мавзунини қўйиш, режани эълон қилиш, тингловчилар фаолиятини бошқаришдан иборат бўлади.

### **Сухбат методи**

Тингловчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёни: улар эътиборига ҳавола этилаётган саволнинг моҳиятини англаш, мавжуд билимлар ва тажрибани сафарбар қилиш, саволга оид объектларни ўзаро таққослаш, пухта ўйлаш ва саволларга тўғри жавоб тайёрлашдан иборат. Ўқитувчининг раҳбарлиги: мавзунини қўйиш, саволларни ифодалаш, берилган жавобларни тузатиш, тўлдириш ва умумлаштириш каби ҳолатларда намоён бўлади. Сухбат методи ёрдамида билимларни ўзлаштиришда тингловчилар мавжуд билимлари ва тажрибаларига таянадилар

### **“SWOT-таҳлил” методи**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.


<b>S – (strength)</b>	• <b>КУЧЛИ</b> томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• <b>занф, кучсиз</b> томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• <b>имкониятлари</b>
<b>T – (threat)</b>	• <b>тўсиқлар</b>



### “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.





### “Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).



## “Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

### “ФСМУ” методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур

технологиядан маъруза машғулотида, ўтилган мавзунини сўрашда, унга вазифа беришда ҳамда амалий машғулоти натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдирот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотида қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни

ёритилган инпут-матнни таркатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёиш этилади;

- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалядилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1- матн	2- матн	3- матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

#### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қодалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган таркатмалар берилади ( индивидуал ёки

гуруҳли тартибда);

- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги “якка баҳо” колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса “0”, мос келса “1”

балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг “якка хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.


7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### “Мунозара” методи

Таълим тизимида тизимларда нутқ ўқитиш, ўз фикрини мустақил ва асосли баён қилиб, хулосалар чиқариш воситаси сифатида ғоя муҳим ўрин эгаллайди. Бу бажариладиган ишнинг бир тури бўлиб, ўзаро тортишиш жараёнини келтириб чиқаради ва унга аниқлик киритади. Тингловчилар томонидан “ўз сўзи” ўзига хос услуб асосида изчил, савол фикр юритилади.

Мунозара вақтида тингловчилар ўзларига ишонган ҳолда саволларни мунозара қилишади. Мунозара учун шундай шароит яратиши керакки, унда тингловчилар ўз фикрларини ишонч билан очиқ айтиш, камчиликлари учун айбга қўймасликларига ишонган ҳолда баён этишлари лозим.

**Масалан: Маъмурий ихтиёрийлик маъмурий ҳужжат қабул қилишга қандай таъсир қилади?**



## “Пинборд” методи

Пинборд инглизчадан: pin – мустаҳкамлаш, board –доска маъносини билдиради. Бу усулда мунозара ёки суҳбат амалий усул би-лан боғланиб кетади. Метод мақсади ривожлантирувчи ва тарбияловчи вази-фасини бажариш. Бунда тингловчиларда мулоқот юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, ўз фикрини нафақат оғзаки, балки ёзма ра-вишда баён этиш маҳорати, мушоҳада қилиш ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

## “Портфолио” методи

“Портфолио” – ( итал. portfolio – портфель, ингл.хужжатлар учун пап-ка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғин-диси сифатида акс этади. Жумладан, тингловчи ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текши-риш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий
Таълимий фаолият	Тингловчилар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Тингловчилар гуруҳи, тинглов-чилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

## Муаммоли метод

Муаммоли методнинг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб, унинг асосида дидактик зиддиятлар ётади. Зиддиятларни бартараф этиш нафақат илмий билиш йўли шу билан бирга ўқув йўли ҳамдир.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари, фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

##### Режа:

1. Тадбиркорлик субъекти тушунчаси, белгилари ва таснифи
2. Тадбиркорлик субъекти сифати жисмоний шахслар (ЯТТ)
3. Тадбиркорлик субъекти сифати юридик шахслар ва уларнинг таснифи
4. Кичик тадбиркорлик субъектлари.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, балки унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадларини орттиришда, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айлантиришга эришиш йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектлари – бу тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган шахслардир. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 2012 йил 2 майдаги янги таҳрирдаги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларда субъект ҳар доим таваккал қилиб, ўз жавобгарлигини зиммасига олиб, фойда олишни мақсад қилган ҳолда фаолият юритади.

Бироқ давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиши мумкин эмас.

Масалан, қуйидаги мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланади:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари;

давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахслар;

давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарлари ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарлари;



давлат таъминот ва савдо-сотиқ корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимлари;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш ўз вазифасига кирувчи давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари.

*[Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992-йил 6-мартдаги “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахслар рўйхати тўғрисидаги” 103-сонли Қарори]*

Шахснинг фойда кўриш мақсадида, таваккал қилиб товар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) билан шуғулланиш ихтисослашган фаолиятга айланган тақдирдагина бундай фаолиятнинг иштирокчиларини тадбиркорлар деб ҳисоблаш мумкин. Агар фуқаро бундай ҳаракатларни алоҳида ҳоллардагина (вақти-вақти билан) фойда кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўймай амалга оширган тақдирда, масалан, ўзидаги ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ёки кераксиз бўлган бошқа ашёларни сотиши ёки ишларни бажариб бериш учун шартлашиб ва у бажарилганлиги учун ҳақ олинадиган бўлса, бундай фаолиятни тадбиркорлик фаолияти деб бўлмайди, чунки бу каби муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Шунингдек, банк муассасаларига фоиз олиш мақсадида жамғарма кўйган фуқаролар, қимматли қоғозлар сотиб олган шахслар ҳам тадбиркорлар ҳисобланмайди.

Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектига қуйидагича тушунча бериш мумкин: тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи, ўзининг мулкига, тадбиркорлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган, ўз фаолияти юзасидан мустақил давогар ва жавобгар бўла оладиган ва ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қила оладиган (юримдик шахс мақомини олган) турли мулк шаклларига мансуб корхоналар ва уларнинг тузилмалари ҳамда юримдик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи – якка тадбиркор мақомига эга бўлган фуқаролар, шунингдек тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этаётган давлат ва унинг ваколатли идоралари ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектларининг ўзига хос белгилари ҳисобланади:

- давлат рўйхатидан ўтганлиги;
- муайян фаолият турлари билан шуғулланишлари учун, албатта, рухсатнома (лицензия)га эга бўлишлиги;
- ўз мол-мулкига эга бўлишлиги;
- тадбиркорлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлиши;
- ўз мол-мулки доирасида мустақил жавобгарлиги;
- ўзларининг бузилган ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятига эга эканлиги ҳисобланади.

### **Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари таснифи**

Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларини бир неча турларга ажратиш мумкин. Субъектларни туркумлаш уларнинг мулкчилик шаклига (масалан,

фуқароларнинг хусусий мулки, жамоа мулки ёки давлат мулкига асосланган), ваколатларига (яъни бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар ёки бошқарувни амалга оширувчи субъектлар каби), шахсларга (жисмоний шахслар ва юридик шахслар) ҳамда фаолият турига (тижоратчи ва нотижорат ташкилотлар) қараб белгиланади.

### **Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жисмоний шахсларга тадбиркорлик мақомига эга бўлиш имконияти берилиб, улар ҳам тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектлари доирасига киритилган.

Якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир. [Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида] ги Қонун (янги таҳрир) 2012-йил 6-модда]

Қонунга биноан ҳар қандай фуқаро ҳам тадбиркор шахс ҳисобланмайди, балки фақат белгиланган тартибда давлат рўйхатидан, ўтиб, тадбиркор мақомини олган фуқароларгина эътироф этилиши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимларни ёллашга ҳақли. [*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015-йил 31-июлдаги 219-сонли қарори билан тасдиқланган “Хусусий тадбиркорлар томонидан ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида” ги Низом.*]

Масалан, ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар товарлар тайёрлаш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун кўпи билан уч нафар шогирдни уларга тегишлича ҳақ тўлаган ҳолда жалб этишга ҳақлидир.

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкдан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунда, никоҳ шартномасида ёхуд эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

Демак, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг шакллари қонунда куйидаги тарзда мустаҳкамланган:

- якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқи асосида, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл кўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга ошириладиган якка тартибдаги тадбиркорлик;

- эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик;

- икки ёки ундан ортиқ якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз хиссаларини кўшиш ва юридик шахс тузмасдан, биргаликда иш қилиш мажбуриятини олган оддий ширкат;

- юридик шахс ташкил этмаган ҳолда деҳқон хўжалигини юритиш.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш (давлат рўйхатидан ўтиши) учун шахс 18 ёшга тўлган бўлиши лозим.

**Оилавий тадбиркорлик.** Гап оилавий тадбиркорликни амалга ошириш тўғрисида кетар экан, эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкдан фойдаланадиган ҳолларда вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масаласи муҳимдир. Чунончи, қонунларда, никоҳ шартномасида ёки эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бундай ҳолда эр(хотин)нинг розилиги талаб қилинади. Бундай розилик нотариал тасдиқланган бўлиб, қайси мол-мулкдан фойдаланишга келишилган бўлса, ушбу мол-мулкка тегишли маълумотлар қайд этилиши лозим.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тадбиркорликнинг эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик турида (иш муомалаларида) эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик яқка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилаётганда тасдиқланиши лозим.

Оилавий тадбиркорликда эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкдан фойдаланишда қонун оиланинг вояга етган бошқа аъзоларининг манфаатларини инобатга олган, хусусан, агар тадбиркорлик фаолияти объекти сифатида уй-жойдан фойдаланиш билан боғлиқ оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганда уй-жой мулкдорларидан бирининг иш муомалаларига киришиши оиланинг вояга етган бошқа аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда амалга оширилади. Яқка тартибдаги тадбиркорлик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятининг негизи, мулкнинг шаклланиш ҳолати бир-биридан фарқ қилади. Яқка тартибдаги тадбиркор мулк ҳуқуқи асосида фақат ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида фаолият кўрсаца, оилавий тадбиркорлик мол-мулк негизида умумий биргаликдаги мулк асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, оилавий тадбиркорликни юридик шахс ташкил этмаган ҳолда олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 29.07.2009 216-сонли қарорида ҳам кўрсатилган.

**Тадбиркорлик ҳуқуқининг субъекти сифатида давлат бир вақтнинг ўзида бошқа тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектларидан фарқ қилади.**

Масалан: Давлат иқтисодий муносабатларга киришар экан, бошқа субъектлар каби ўз фаолиятини амалга ошириши учун рухсатнома олиши

талаб этилмайди. Шу билан бирга, иқтисодиётга раҳбарлик қилишни юридик кучга эга бўлган норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилиши ҳам унга хос бўлган хусусиятлардан бўлиб ҳисобланади.

Давлат мулки бўлган махсус объект давлат хазинасига Ўзбекистон Республикаси номидан тушадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича давлат кредитор ҳисобланади. Шунингдек, давлат номидан тузилган шартномалар бўйича ғазна маблағлари ҳисобидан жавобгар ҳисобланади. Давлатнинг ваколати тадбиркорлик субъектларига нисбатан бошқарув фаолияти ҳисобланади.

Давлат инсонларнинг моддий ва манавий эҳтиёжларини қондиришдек улкан вазифани бажариш мақсадида эркинлик асосидаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан бир вақтда ҳисоб-китоб юритиш, молия, солиқ, субъектлар имтиёзлари каби институтларни тартибга солиш ишини олиб боради ва улар ягона дастур сифатида кўринади.

Тадбиркорлик фаолиятида давлатнинг таъсири – бу тадбиркорлик субъектларини тузиш, бекор қилиш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишни назорат қилиш фаолиятидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг қуйидаги шакллари ажратиш мумкин:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш;
- давлат буюртмалари;
- давлат контракти;
- давлат томонидан тартибга солишни белгиловчи ҳужжатлар.

Тадбиркорлик ҳуқуқининг субъекти сифатида давлатнинг иқтисодиётга таъсир этишининг яна бир усули бу бозор механизмини ташкил этиб, унда монополияга йўл қўймаслик, солиқ тизими орқали ва ҳар бир субъектининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, иқтисодий эркинликларининг кафолатлашни белгилашдан иборат.

### **Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар**

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни қуйидаги асосий мезонларга қараб таснифлаш мумкин:

- қўшган улушига қараб (маъсулияти чекланган жамият, қўшимча маъсулиятли жамият, акциядорлик жамияти);
- тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишига қараб (тўлик ва коммандит иштирокчилик);
- ўз меҳнати билан шахсан иштирок этишига кўра (ишлаб чиқариш кооперативи, деҳқон хўжалиги);
- бошқарувда иштирок этишига кўра (хусусий корхона, фермер хўжаликлари).

**Акциядорлик жамияти** – устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат

ташкilotи. (“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 2014-йил 6-май ЎРҚ–370-сон)

Акциядорлик жамиятининг асосий устунлиги унинг йирик ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги роли ва шу асосдаги фаолиятининг барқарорлигидадир.

Масалан, тўлиқ ширкатдан тўлиқ шерикни чиқиб кетиши ширкатни тугатилишига, масъулияти чекланган жамиятдан эса унинг иштирокчисини чиқиб кетиши устав капиталининг сезиларли даражада камайишига сабаб бўлади. Акциядор эса жамиятдан чиқиб кетаётганда жамиятдан ҳеч қандай мол-мулк талаб қилмайди, балки ўзига тегишли бўлган акцияни бошқа шахсга сотиб юбориб, ўз улушини олади.

Акциядорлик жамиятида иштирокчиларни жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлигининг ўзига хос кўриниши мавжуд. Агар жамият зарар кўрса, акциядор фақатгина акция сотиб олиш учун сарфлаган маблағини йўқотади, холос. Иштирокчининг чекланган жавобгарлиги ҳамда акцияларни сотиб юбориш орқали акциядорлик жамиятидан эркин равишда исталган вақтда чиқиб кетиши акциядорлик жамиятига капитални жалб этишни осонлаштиради.

Акциядорнинг мулки акциядорлик жамиятининг мулкидан бутунлай ажратилган. Шунинг учун акциядорнинг кредиторлари ва унинг мажбуриятлари бўйича талабни жамият мулкига қарата олмайди, бироқ акциядорнинг акциясига қаратишлари мумкин.

Акциядорнинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлигини чекланганлиги масъулияти чекланган жамият каби уларнинг кредиторлари манфаатлари ҳимоясини асосий кафолати бўлган устав фондининг аҳамиятини оширади.

Акциядорлик жамиятида акциядорларни жамиятнинг кундалик бошқарув фаолиятида иштирок этиши талаб этилмайди. Акциядорлик жамиятида хўжалик ширкатидан фарқли равишда мулк билан бошқарув бир-биридан ажратилган. Акция эгаси жамиятнинг кундалик бошқарувида иштирок этиши учун вақти бўлмаслиги ёки етарли даражада малакага эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам жамият махсус билим ҳамда малакага эга бўлган шахслар томонидан бошқарилади.

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

Жамият устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг суммадан камни ташкил этмаслиги керак.

Акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига асосан акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ва ижроия органи ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг уставида белгиланадиган ижроия органи бўлмиш директор ёки жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 82-моддасига кўра миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг кўмитаси ташкил этилиши мумкин.

**Масъулияти чекланган жамият** – бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият.

Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган хиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. (Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги қонуннинг 3-моддаси).

Масъулияти чекланган жамият ҳозирда энг кўп тарқалган ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тадбиркорлик субекти ҳисобланади. Нима учун тадбиркорлар айнан ушбу юридик шахс шаклини танлашяпти?

Авваламбор, масъулияти чекланган жамиятда:

– жамият муассисларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас;

– жамиятнинг ўз хиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар. Мазкур қоидага кўра кредиторлар ўз хиссасини тўлиқ қўшмаган иштирокчилардан устав фондига қўйилмаган миқдордаги улушини талаб қилишга ҳақли.

Масъулияти чекланган жамият иштирокчиларининг сони эллик нафардан ортиб кетмаслиги лозим. Агар иштирокчиларнинг сони юқоридаги миқдордан ортиб кеца, жамият бир йил ичида акциядорлик жамиятига ёки ишлаб чиқариш кооперативига айлантирилиши лозим. Агар белгиланган муддатда жамият қайта ташкил этилмаса ёки ундаги иштирокчиларнинг сони камайтирилмаса, жамият суд орқали тугатилади.

Масъулияти чекланган жамият билан бир қаторда **қўшимча масъулиятли жамият ҳам мавжуд**. Қўшимча масъулиятли жамиятнинг фаолияти асосан масъулияти чекланган жамиятга оид ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 63-моддасига мувофиқ қўшимча масъулиятли жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини, шунингдек “қўшимча масъулиятли” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Қўшимча масъулиятли жамиятнинг ўзига хос хусусияти унинг иштирокчиларини жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги уларнинг устав капиталига қўшган улушлари билан чекланмаганлигидадир, яъни

жамиятининг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматиغا нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган, каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар.

Иштирокчилардан бири ночор (банкрот) бўлиб қолганида, унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

**Хўжалик ширкатининг** хўжалик жамиятларидан фарқи шундаки, ширкат шахсларнинг бирлашувини ҳамда уларни ширкат фаолиятида фаол иштирокини талаб қилса, хўжалик жамиятларида маблағ (капитал) бирлаштирилади ва унда иштирокчиларнинг жамият фаолиятида шахсан иштироки талаб қилинмайди.

Хўжалик ширкатида устав капитали унинг иш фаолиятини бошлаш учун зарур бўлса, хўжалик жамиятида устав капитали унинг кредиторлари олдидаги жавобгарлигининг кафолатидир. Хўжалик ширкатининг устав капитали унинг таъсис ҳужжатлари рўйхатга олиш учун берилган вақтда энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги зарур.

Қонун хўжалик ширкатининг устав фондини унинг асосий активлари билан бевосита боғлаб қўйган. Агар ширкатнинг зарар кўриши натижасида унинг асосий активлари қиймати устав капитали миқдоридан камайиб кета, ширкат томонидан олинган даромад унинг аъзолари ўртасида тақсимланмайди. Асосий активларнинг қиймати устав капитали миқдоридан ошгандагина даромадлар унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланиши мумкин. Ширкат кредиторлари манфаатларининг асосий кафолати унинг иштирокчиларининг ўзларига тегишли бўлган бутун мол-мулклари билан бўлган жавобгарлигидир.

Хўжалик ширкати **тўлиқ ширкат** бўлиш учун, унинг иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулки билан жавоб беришлари лозим. Тўлиқ ширкатнинг ҳолати иштирокчиларнинг сони унча кўп бўлмаган тижорат ташкилотларига кўпроқ мос келади. Тўлиқ ширкатда унинг иштирокчиларининг сони чекланмаган, бироқ уни таъсис этиш учун камида икки иштирокчи бўлиши шарт. Агарда қандайдир сабаблар туфайли тўлиқ ширкат фақатгина ягона иштирокчидан иборат бўлиб қолса, мазкур ҳолат юз берган вақтдан бошлаб олти ой муддат ичида мазкур тўлиқ ширкатга янги тўлиқ шериклар қабул қилиниб, у сақлаб қолиниши ёки унга ҳисса қўшувчи аъзо топилиб, у коммандит ширкатга айлантирилиши ёхуд тугатилиши лозим. Мазкур ҳолатда тўлиқ ширкат ягона иштирокчи билан хўжалик жамиятига айлантирилиши мумкин. Тўлиқ ширкатни таъсис этиш хўжалик жамиятини таъсис этишдан кўра бирмунча осонроқдир, аммо тўлиқ ширкатнинг ўзига хос “камчилиги” мавжуд. Бу ширкат

иштирокчиларини ширкат мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бўлган бутун мол-мулклари билан солидар тарзда, субсидиар тарзда жавобгар бўлишидир. Демак, тўлиқ ширкатнинг қарзини қоплаш учун мол-мулки етарли бўлмаса, ундирув ширкат иштирокчиларининг мулкига қаратилиши мумкин. Хўжалик жамятларида эса иштирокчилар унинг мажбуриятлари бўйича фақатгина устав капиталига қўшган ҳиссалари қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Тўлиқ ширкат иштирокчилари жавобгарлигининг солидар хусусияти шундан иборатки, бунда ширкатнинг кредитори мулкий талабни ширкат иштирокчиларининг барчасига ёки бўлмаса уларнинг исталган бирига қўйиши мумкин.

Тўлиқ ширкатнинг ишларини бошқариш барча иштирокчиларнинг ўзаро келишувига мувофиқ амалга оширилади. Ширкатнинг таъсис шартномасида бошқа қоида назарда тутилган бўлмаса, ширкат фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ҳар бир иштирокчи битта овозга эга бўлади, яъни иштирокчилар устав капиталига қанча ҳисса қўшганлигидан қатъий назар улар бошқарувда тенгдирлар.

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчилар (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат **коммандит ширкат** ҳисобланади.

Коммандит ширкатни ҳам тўлиқ ширкат каби иштирокчиларнинг сони унча кўп бўлмаган тижорат ташкилотларига ўхшатиш мумкин. Бунда иштирокчиларнинг энг кам миқдори икки шахс (битта тўлиқ шерик, битта коммандитчи)дан иборат, энг кўп миқдори эса қонун билан чекланмаган. Коммандит ширкатдаги тўлиқ шериклар тўлиқ ширкатдагидек ширкатнинг номидан хўжалик фаолиятини амалга оширишади.

Коммандитчилар ширкат фаолиятини бошқаришга ҳамда унинг номидан фаолият кўрсатишга ҳақли эмаслар. Ширкат номидан ваколатнома берилган ҳоллар эса бундан мустасно, шунинг учун ҳам коммандитчилар ширкат фаолиятида пассив иштирок этади. Бироқ коммандитчи тўлиқ ширкатга нисбатан муайян устунликларга эга, яъни биринчидан, унинг ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги қўшган ҳиссаси билан чекланган бўлса; иккинчидан, ширкат тугатилаётганда кредиторларнинг талаби қондирилгач, коммандитчиларнинг ҳам талаби қондирилади.

Коммандит ширкат коммандитчиларнинг барчаси ундан чиқиб кетганда ёки тўлиқ ширкатни тугатиш учун асос бўлган ҳолатлар вужудга келганда тугатилиши мумкин. Коммандит ширкатда коммандитчилар қолмаганда, у тўлиқ ширкатга айлантирилиши мумкин.



**Унитар корхона** – ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот. (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 70-модда)

Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ходимлари ўртасида ҳам тақсимланиши мумкин эмас.

Унитар корхонанинг фирма номида унинг мол-мулкининг эгаси кўрсатилган бўлиши керак. Унитар корхонани бошқариш органи унинг раҳбари бўлиб, бу раҳбар мулкдор томонидан ёки мулкдор вакил қилган орган томонидан тайинланади ҳамда уларга ҳисоб беради. Унитар корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Унитар корхона ўз мол-мулки эгасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

Унитар корхонанинг мол-мулки унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир.

Фуқаролик кодексининг 72-моддасига мувофиқ давлат органининг қарорига мувофиқ давлат мулки бўлган мол-мулк негизида оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси (давлат корхонаси) ташкил этилиши мумкин.

Давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганида давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

**Фермер хўжалиги** - ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш билан шугʻулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъект. Фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъекти ҳисобланади. [30-апрел 1998 йил “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун 3-модда]

Фермер хўжалиги ўз уставида ва ер участкасини ижарага олиш шартномасида назарда тутилган ихтисослашувга мувофиқ фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури билан, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шугʻулланишга ҳақли.

Фермер хўжалигининг бошлиғи фермер хўжалигининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

**Дехқон хўжалиги** - оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига бериладиган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади. [30-апрел 1998 йил “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддаси]

Дехқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради, ҳамда дехқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин. Дехқон хўжалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиши мумкин эмас.

Дехқон хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда яшаётган ва дехқон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (ери), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари киради.

Дехқон хўжалиги бошлиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилган оила бошлиғи ёки оиланинг муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир.

Дехқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади ҳамда фуқарога белгиланган тартибда ер участкаси берилганидан ва дехқон хўжалиги давлат рўйхатига олинганидан кейин ташкил этилган ҳисобланади.

Дехқон хўжалиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ва доводарахтлар билан қопланмаган ўрмон фонди ерларида, шунингдек захира ерларда ташкил этилади.

Дехқон хўжалигига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган томорқа ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кредит олиш учун гаровга қўйилиши мумкин.

Дехқон хўжалигига берилган томорқа ер участкаси бўлиниши мумкин эмас.

Дехқон хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича қонунларга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради. Дехқон хўжалиги аъзолари дехқон хўжалиги мол-мулки етарли бўлмаганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ дехқон хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли мол-мулк билан солидар равишда субсидиар жавобгар бўлади.

**Хусусий корхона** тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги Н 558-ИИ сонли Қонунига мувофиқ мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади.

Хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида яққа бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкни тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобварақлар

очади, штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

### **Кичик тадбиркорлик субъектлари ва микрофирмалар**

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” 2012 йил 2-майдаги ЎРҚ–328-сонли янги таҳрирдаги Қонуннинг 5-моддасида кичик тадбиркорлик субъектларига ҳам тўлиқ изоҳ берилган бўлиб, унга кўра кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидагилардир:

1) яқка тартибдаги тадбиркорлар;

2) ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқлардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар;

3) қуйидаги тармоқлардаги:

енгил ва озиқ-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебел саноати, қурилиш материаллари саноати, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 200 киши;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, қурилиш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳалардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланади. Бунда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва фуқаролик-ҳуқуқий характердаги бошқа шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек унитар (шўба) корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади.

### **Ишлаб чиқариш кооперативи ва ширкат хўжалиги**

**Ишлаб чиқариш кооперативи** хўжалик ширкати каби шахсларнинг ҳамда уларнинг мулк билан қўшиладиган пай бадалларини ихтиёрий

бирлашмаси бўлиб, унда унинг аъзоларини кооператив фаолиятида шахсан иштирок этиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг махсулотлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини кондириш учун, шунингдек фойда (даромад) олиш мақсадида тузиладиган матлубот, ишлаб чиқариш ва аралаш ишлаб чиқариш матлубот кооперативлари амал қилади.

Ўзбекистон Республикасида кооперация жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган, мулкнинг ширкат (жамоа) шаклига асосланган ихтиёрий бирлашмаларидан (кооперативларидан) иборатдир.

Кооперация, шунингдек ўз аъзоларининг уй-жой, маиший ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини кондиришга хизмат қиладиган кооперативларни (уй-жой қуриш, уй-жой кооперативларини, гараж қуриш, чорбоғ қуриш ва шу каби кооперативларни) ҳам ўз ичига олади.

**Кооператив** - юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, жамоа мулки ҳуқуқи асосида ўзига қаршли мулкка эгалик қиладиган, ундан фойдаланадиган ва уни тасарруф этадиган мустақил хўжалик юритувчи субект.

Ишлаб чиқариш кооперативида аъзоларнинг шахсий меҳнати билан иштирок этиши кооперативнинг асосий белгиси ҳисобланади. Агар кооперативнинг уставида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, даромад ҳам айнан аъзоларнинг қилган меҳнатига мувофиқ тақсимланади. Чунки хўжалик жамиятидан фарқли равишда ишлаб чиқариш кооперативида биринчи ўринда капитал эмас, балки меҳнат туради.

Кооперативлар тармоқ, ҳудудий ва бошқа белгилар бўйича хўжалик уюшмаларига ихтиёрийлик асосида бирлашишлари ва яқка ҳокимликка қарши қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб боришлари мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперативида ҳам хўжалик ширкатидагидек, аъзоларнинг ўзгариши қаттиқ назорат қилинади, аммо иштирокчилар таркибининг ўзгариши уни тугатиш учун асос бўлмайди. Ўз мажбуриятларини бажармаган ёки тўлиқ бажармаган кооператив аъзоси умумий мажлис қарори билан аъзоликдан чиқариб юборилиши мумкин. Аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги қарор иштирокчиларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

### **Тадбиркорлик субъектларининг уюшма ва иттифоқлари**

Тижорат ташкилотлари ўз тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак мулккий манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар ҳисобланувчи уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларга бирлашишлари мумкин.

Агар иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ уюшмага (иттифоққа) ва ўзга бирлашмага тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашма белгиланган тартибда хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиши керак ёхуд

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузиши ёки уларда иштирок этиши мумкин.

Уюшма (иттифок) ва ўзга бирлашмалар юридик шахс ҳисобланади. Уюшма (иттифок) ва ўзга бирлашмаларнинг аъзолари ўз мустақилликларини ва юридик шахс сифатидаги ҳуқуқларини сақлаб қолади. Уюшма (иттифок) ва ўзга бирлашмалар ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Уюшма (иттифок) ва ўзга бирлашмаларнинг аъзолари уларнинг мажбуриятлари бўйича уюшма (иттифок) ва ўзга бирлашмаларнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда субсидиар жавобгар бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 22 декабрда қабул қилинган ПФ–3366-сонли Фармонига кўра ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланади:

таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари;

муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар.

Хўжалик бирлашмаларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагича белгилаб қўйилган:

– тармоқ ва иқтисодиёт соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;

– маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришига кўмаклашиш;

– корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда ёрдам бериш;

– улар таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш;

– кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектлари кимлар бўлиши мумкинлиги ва улар қандай белгиларга эга бўлиши кераклиги ҳақида қонун ҳужжатлари асосида маълумот беринг.

2. Давлат ҳам тадбиркорлик субъекти бўлиши мумкинми, агар шундай бўлса у томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби қандай?
3. Аҳолининг алоҳида тоифаларига тадбиркорлик билан шуғуллишлари учун тегишли имтиёлар берилганми ва бу нималарда кўринади?
4. Қачондан бошлаб фуқаро тадбиркорга айланади ва фуқароларни тадбиркор сифатида рўхатга олишнинг зарурини изоҳланг.
5. Тадбиркорлар давлат томонидан қандай таснифланади ва улар фаолиятини назорат қилиш қандай амалга оширилади?
6. Чет эл фуқаролари ва юридик шахсларнинг Ўзбекистонда тадбиркор сифатида эътироф этилиши қай тартибга амалга оширилади?

## 2. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар, рухсат бериш тартиб-таомиллари

### Режа:

1. Тадбиркорлик шартномаларининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Тадбиркорлик шартномаларини расмийлаштириш.
3. Тадбиркорлик шартномаларида талабаном.
4. Тадбиркорлик шартномаларида жавобгарлик масалалари.
5. Тадбиркорлик фаолиятида рухсат бериш тартиб таомиллари.
6. Рухсат олиниши лозим бўлган фаолият йўналишларидаги асосий талаб ва шартлар.
7. Рухсат бериш тартиб таомилларини эркинлаштириш.

Тадабиркорлик фаолиятини амалга оширишда шартномалар тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш масалаларини чуқур билиш талаб қилинади. Сабаби тадабиркор иш фаолиятини бошлаш, юритиш ва тўхтатиш жараёнида шартномалар тузишга ҳар доим эҳтиёж сезади.

Шунинг учун ҳам унга қуйидагича муносабат билдирилади: “Шартнома – бу бозор муносабатлари шароитида барча мулк шаклидаги корхоналар, шунингдек қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда бошқарув органлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади”

“Ман Син” корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Синг корпорациянинг юридик департаменти бошлиғи Ранжит Сингга ўз ҳамкорлари билан шартномавий муносабатларга киришишдан олдин Ўзбекистон Республикасида тадабиркорлик шартномаларига бўлган муносабат, уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши, шартномавий муносабатга киришишнинг ўзига хослиги ҳақида маълумотлар тақдим қилишни сўради.

Тадабиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўз фаолиятида турли хил шартномаларни тузадилар: таъсис шартномалари, меҳнат шартномалари, тадабиркорлик шартномалари ва ҳ.к.

Тадабиркорлик шартномаси — тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадабиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув.

Тадабиркорлик фаолияти шартномаси тўрт қисмдан ташкил топади:

- 1) кириш;

- 2) шартнома предмети, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- 3) шартноманинг қўшимча шартлари;
- 4) шартноманинг бошқа шартларига ажратиш мумкин.

Тадбиркорлик шартномасининг кириш қисмида қуйидагилар: шартноманинг номи (маҳсулот етказиб бериш, кредит, транспорт воситалари ижараси, қурилиш пудрати ва ҳоказолар); шартномани имзолаш вақти ва жойи; шартнома тарафларининг тўлиқ номи, тарафларнинг шартнома бўйича номланиши (масалан, “лицензиат”, “кредитор” ва шу кабилар); шартномани имзолаётган шахснинг тўлиқ номи ва мансаби, шунингдек унга шартномани имзолаш ҳуқуқини берувчи ҳужжат (устав, низом ёки ишончнома) кўрсатилиши лозим.

Тадбиркорлик шартномасининг иккинчи қисмида шартнома предмети; тарафларнинг шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари; тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари; тарафлар мажбуриятларини бажариш жойи; тарафлар мажбуриятларини бажариш усуллари (ҳаракатлар тартиби, кетма-кетлиги ва ҳ.к.) кўрсатилади.

Тадбиркорлик шартномасининг учинчи қисми барча шартномалар учун мажбурий эмас. Аммо бундай шартлар мавжуд бўлган тақдирда тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларига, шунингдек уларни бажариш тартибига таъсир қилади.

Тадбиркорлик шартномасининг қўшимча шартларига шартноманинг амал қилиш муддати, тарафларнинг жавобгарлиги, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари; шартномани бир тарафлама бекор қилишнинг асослари ва оқибатлари, шартнома бўйича маълумотларни сир сақлаш, низоларни ҳал қилиш тартиби кабилар киради.

Тарафларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари кўрсатилган тақдирда ҳам тадбиркорлик шартномасининг амал қилиш муддати кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Бу ҳолат шартноманинг амал қилиш муддати қачон тугагини билиш ва тарафлар шартномани бажаришдан бош торганлик учун талабнома ва даъво қилиш муддатининг бошланишини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик шартномасининг қўшимча шартларидан яна бири, бу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари дир. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, тадбиркорлик шартномасининг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат ҳамда қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

Одатда, тадбиркорлик шартномалари фақат тарафларнинг келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин, аммо тарафлар шартномада уни бир



тарафнинг ташаббуси билан ҳам бекор қилиш тўғрисидаги шартларни киритишларига йўл қўйилади. Шунингдек, шартномада унинг қайси шартлари сир сақланиши ва тарафлар томонидан ошкор қилиниши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилиши мумкин.

Тадбиркорлик шартномасининг тўртинчи қисми ўз ичига тарафлар ўртасидаги муносабатлар шартномадан ташқари яна қандай меъёрлар билан тартибга солинишини; тарафлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ҳақидаги майлумотларни; шартнома тузишдан олдин олиб борилган ишлар ва уларнинг шартнома имзолангандан кейинги натижаларини; тарафларнинг реквизитларини; шартнома нусхалари сони ҳақидаги маълумотларни; шартнома матнига ўзгартиришлар киритиш тартибини; тарафлар вакилларининг имзоларини олади.

Тарафлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ҳақидаги шартларда ахборот бериш ва шартноманинг бажарилишига тааллуқли бўлган масалаларни ҳал қилишга ваколатли шахслар (номлари ёки мансаби), шунингдек алоқа турлари (телефон, факс ва х.к.) кўрсатилади.

Тарафларнинг реквизитларига — почта индекси, манзили, ҳисоб-китоб рақами, банк муассасасининг номи, коди, МФО, солиқ тўловчининг идентификация рақами, юклаш реквизитлари киради ва улар тадбиркорлик шартномасида аниқ кўрсатилиши лозим. Шартномада унинг нусхалари сони ва уларнинг ҳақиқийлиги кўрсатилади. Шартнома матнига ўзгартиришлар киритиш тартибининг белгиланиши шартнома қалбакилаштирилишининг олдини олади.

Ҳар бир шартнома уни тузган тарафлар ёки уларнинг тўлиқ ваколатга эга бўлган вакили томонидан имзоланади, шунингдек шартнома юридик хизмат ходими ёки адвокат томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, муайян ҳолатларда шартнома юзасидан юридик хулоса берилиши талаб қилинади.

Шартнома икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида тузиладиган битим бўлганлиги сабабли у оферта, аксепт, юридик экспертизадан ўтказилиши ва шартномани имзолаш босқичларидан иборат. Таклиф оферта, таклифни киритган шахс эса оферент деб аталади. Таклифнинг қабул қилиниши аксепт, таклифни қабул қилган шахс эса аксептант деб аталади.

Шартномани тузиш офертадан бошланади. Оферталар икки турга бўлинади. Булар: Аксептлаш муддати кўрсатилган оферта

Одатда офертада унга берилиши керак бўлган жавоб муддати кўрсатилган бўлса, оферент шу муддат ичида ўз офертасига жавоб кутиши лозим. Акс ҳолда агар у муддатнинг охиригача кутмай туриб бошқа шахс билан шартнома тузса, офертани биринчи қабул қилган ва шу билан

шартнома тузган деб ҳисобланган тарафга етказилган зарарни қоплашга мажбур бўлади.

Акцептлаш муддати кўрсатилмаган оферта

Офертада жавоб муддати кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда музокаралар қандай усулда олиб борилаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Музокаралар орали шартноманинг шартлари шакллантирилиши мумкин.

Оғзаки берилган оферта, музокаралар юзма-юз мулоқот, телефон ёки радио орқали олиб борилаётганлигидан қатъи назар, агар у дарҳол акцептланса, оферентни “боғлаб” кўяди. Ёзма берилган оферта эса аввал унинг матни билан танишиб чиқишни, жавоб матни тузишни ва уни оферентга топширишни талаб қилади. Шунинг учун оферент жавоб етиб келиши учун зарур бўлган муддат ичида оферта билан “боғланган” бўлади.

Офертада кўрсатилган ёки жавоб етиб келиши учун зарур бўлган муддат ичида акцепт етиб келганлиги шартнома тузилганлиги билан тенг. Аксинча, агар кўрсатилган муддат ичида акцепт келмаса, у ҳолда офертанинг оферентни “боғлаб” турган кучи йўқолади ва оферент аввал ўзи берган таклифдан келиб чиққан мажбуриятлардан озод бўлади.

Шартномани тузиш учун берилган таклифда қуйидагилар мавжуд бўлсагина оферта деб ҳисобланади:

1. бўлғуси шартноманинг барча муҳим шартлари;
2. оферта юборилаётган шахс аниқ кўрсатилганлиги.

Агар берилган таклифда бу бандлардан биттасига риоя қилинмаган бўлса ҳам, у оферта деб эмас, балки офертага даъват деб ҳисобланади ва уни берган шахсга ҳеч қандай мажбуриятларни юкламайди. Бундай да’ватга турли жавоблар келиши мумкин. Балки улардан ба’зиларида шартномани тузиш учун зарур бўлган барча шартлар санаб ўтилган ва офертага дайват этган шахс номига юборилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай жавоб оферта кучига эга бўлади, лекин уни шартноманинг тузилишига олиб келадиган акцепт деб бўлмайди, чунки у ҳуқуқий ма’нодаги шартнома тузиш ҳақидаги таклифга келган жавоб эмас.

Шартномавий муносабатларга киришиш учун оферта ва акцептнинг мавжудлиги мажбурий шарт эмас. Уларсиз ҳам шартнома тузиш мумкин. Тадбиркорлик шартномаларини ҳуқуқий (юридик) экспертизадан ўтказиш шартнома тарафларининг юридик хизмати ёхуд шартнома асосида жалб этилган адвокатлар, адвокатлик тузилмалари томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик шартномалари борасида юридик хизмат:

— тадбиркорлик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек

талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

— шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан дайво ишларини олиб боради;

— шартномалари бажарилиш устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилади;

— тадбиркорлик субъекти раҳбарига имзолаш учун такдим этилаётган тадбиркорлик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади;

— тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда ўз э'тирозини асослаган ҳолда уни кўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради;

— шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

Тадбиркорлик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни ҳуқуқий эксперт имзосисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Хулосада қуйидагилар кўрсатилади:

- тадбиркорлик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

- тадбиркорлик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

- тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

Қуйидагилар йирик битимлар (шартномалар) ҳисобланади:

- Акциядорлик жамиятлари учун жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этган битим.

- Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир нечта битим.

- Оилавий корхоналар йирик битимни ўз уставида белгилаб қўяди.

Тадбиркорлик шартномаси одатда ёзма шаклда тузилади. Амалиётда шартноманинг оддий, ёзма шакли кенг тарқалган бўлиб, у тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

Тадбиркорлик шартномаси қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланиши шарт. Шартномани нотариал тасдиқлаш нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан шартномада тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Амалдаги қонун ҳужжатларида айрим тадбиркорлик шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш белгилаб қўйилган. Масалан, ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ тадбиркорлик шартномалари (бошқа шахсга бериш, ипотека, узок муддатли ижара в.б.) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Шартноманинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик хўжалик шартномасининг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

### **Тадбиркорлик шартномалари тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Юридик шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар тадбиркорлик шартномаларининг субъект (тараф)лари бўлади. Тадбиркорлик шартномасида давлат манфаатларини кўзлаб, давлат органлари ёки у ваколат берган бошқа ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 1998 йил 29 августдаги ЎРҚ-670-И-сон Қонунига мувофиқ хўжалик шартномалари қуёидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

#### **Тадбиркорлик шартномаси тарафининг ҳуқуқлари**

— шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

— шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

— давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикўатлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

— бошқа тарафнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

— ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усулларини қўллаш.

Тадбиркорлик шартномаси тарафининг мажбуриятлари

— шартномалар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлаш;

— тузилган шартномалар бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

Тадбиркорлик шартномаси тарафининг мажбуриятлари

— шартномалар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлаш;

— тузилган Тадбиркорлик шартномасининг тарафларни шартномавий муносабатга киришаётганда шу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

Мисол учун, 2009 йил 22 августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 245-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига кўра саноат истеъмолчиларига электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мажбурияти ҳам юкланади. Ёки Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сон “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига кўра тадбиркорлик субъектлари ўз товарларини (ишларини, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор қонийнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга ҳақли.

Булардан ташқари, тарафлар шартномавий муносабатга киришишда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонун доирасида мустақил белгилашлари мумкин. Мисол учун, шартнома юзасидан тўловларни олдиндан тўлиқ тўлаш мажбурияти белгиланиши мумкин.

бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

### **Тадбиркорлик шартномаси мажбуриятлари юзасидан жавобгарлик**

Фуқаровий (шартномавий) жавобгарлик. Шартноманинг муҳим шартларидан бири унда иштирок этувчи тарафлар мажбуриятларининг белгиланади. Бундан ташқари, тарафлар қонун ҳужжатларида ва иш муомаласидан келиб чиқадиган мажбуриятларга ҳам эга бўлади. Муайян тараф сифатида иштирок этувчи субъект томонидан ушбу мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида бошқа тарафга зарар етказилса, ушбу зарарни қоплаш мажбурияти вужудга келади.

Мисол учун, маҳсулот етказиб бериш шартномасига кўра етказиб берувчи (сотувчи) шартномада назарда тутилган маҳсулотни ўз вақтида етказиб бермаган ҳолларда мазкур маҳсулот етказиб бериш мажбурияти билан бирга кечиктирилганлик туфайли олинмасдан қолинган фойдани ҳам қоплаб беради.

Бундан ташқари, шартнома шартларини ўз вақтида лозим даражада бажарилиши таъминлаш мақсадида тарафлар шартномада ҳар бир ҳолат юзасидан бошқа фуқаролик жавобгарлик чораларини белгилашлари мумкин.

Мисол учун, сифатсиз маҳсулотни етказиш эвазига етказилган зиённи қоплаш билан бир қаторда кўшимча тўловларни амалга ошириш, харидорнинг бошқалар олдидаги нуфузини сақлаш мақсадида раддиялар бериш.

Шартномада назарда тутилмаган ҳолларда мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли қўлланиладиган фуқаровий жавобгарлик чоралари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 1998 йил 29 августдаги ЎРҚ-670-I-сон Қонунида шартнома мажбуриятларининг бузилиш ҳолатларига қуйидагича жавобгарлик чоралари белгиланган.

Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг маъмурий жавобгарлиги. Тарафларнинг шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор маъмурий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жиноий жавобгарлиги. Тарафларнинг шартномадан келиб чиқадиган

мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин.

### **Тадбиркорлик фаолиятида ҳисоб-китоб муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш**

Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ва фуқаролар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пуллар билан ёки нақд пулсиз суммаси чекланмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5177-сон Фармонида кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар (хизматлар) учун хорижий валютада тўловларни амалга ошириш тақиқланган, халқаро тажрибага мувофиқ халқаро тўлов карталари орқали амалга ошириладиган тўловлар бундан мустасно.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Банк ҳисобварағи шартномасида бошқа муддатлар белгилаб қўйилган бўлмаса, банк тегишли тўлов ҳужжати банкка келиб тушган кунда маблағларни мижознинг ҳисобварағига кирим қилиши ёки маблағларни унинг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариши шарт.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида унга қўйилган талабларни қондириш учун етарли миқдорда маблағлар бўлмаган тақдирда маблағларни ҳисобдан чиқариш Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

Мазкур низом нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширадиган, Ўзбекистон Республикасининг барча юридик ва жисмоний шахсларига (“мижозларга”) - резидентлари ва норезидентларига тааллуқли.

Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳолда улар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, нақд пулда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилганда тўлов топширикномалари, аккредитивлар, чеклар билан ҳисоб-китоб қилишга, инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилишга, шунингдек қонунда, қонунга мувофиқ чиқариладиган банк қоидаларида ҳамда банк амалиётида қўлланилаётган иш муомаласи одатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳисоб-китоб қилишга ҳам йўл қўйилади.

Маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчи томонидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун тўланиши зарур бўлган пеняни ҳисоблаш ва ундириш бўйича банклар жавобгар бўлмайди.

Мижоз ҳисоб-китоб операцияларига доир барча масалалар бўйича унга хизмат кўрсатувчи банкка муурожаат қилади. Банк ва мижоз ўртасидаги низолар улар ўртасида тузилган банк ҳисобварағи шартномасига мувофиқ ҳал қилинади. Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда масалалар суд орқали ҳал этилади.

Инкассо топширикномалари билан ҳисоб-китоблар

Инкассо топширикномаси — маблағларни олувчининг инкассо топширикномасида кўрсатилган суммани маблағларни тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз равишда ҳисобдан чиқариш бўйича топшириғи назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати. Инкассо топширикномаси хўжалик юритувчи субъектларнинг фақат асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига тақдим этилиши мумкин.

Инкассо топширикномасини топшириш ёки жўнатишда у банкнинг бош бухгалтери ва мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтернинг имзоси ва банкнинг муҳри билан тасдиқланади ҳамда қуйидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда устхат ёзилади:

- инкассо топширикномасининг банкка келиб тушган санаси;
- инкассо топширикномаси бўйича маблағ қисман тўланган бўлса, ундириб олинган сумманинг миқдори;
- инкассо топширикномасини топшириш ёки жўнатиш санаси.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисоб ва ҳисоботни қонун ҳужжатларига мувофиқ юритади. Ҳисобот тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра қоғозда ва (ёки) электрон шаклда тайёрланиши мумкин. Тадбиркорлик субъектларининг электрон шаклда тақдим этилган ҳисоботи тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Давлат тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон шаклда ҳисоб юритилишини дастурий таъминотни имтиёзли шартларда ёки бепул тарқатиш орқали рағбатлантиради.



Кичик тадбиркорлик субъектлари фақат давлат статистика органлари ва давлат солиқ хизмати органларига, якка тартибдаги тадбиркорлар эса давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклларда ҳисобот тақдим этади.

### **Тадбиркорлик фаолиятида рухсат бериш тартиб таомиллари**

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш ва эркин бозор муносабатларини таъминловчи таомилларни янада такомиллаштириш учун тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб қуватлаш ҳамда ушбу фаолиятни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократияни олдини олиш, тадбиркорларнинг эркин фаолиятига етказиладиган тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлар билан давлат органлари ўртасидаги муносабатларни қонун доирасидагина амалга оширилишини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга саналади. Бу ўринда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига рухсат бериш тартиби ва таомилларининг мураккаблашуви ва кўпайишини олдини олиш, тадбиркорлик фаолиятига рухсат бериш тартибини соддалаштириш муҳим масалалардан биридир.

### **Рухсат бериш тартиб таомиллари нима?**

Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида рухсат бериш тартиб таомиллари тушунчасига таъриф берилган. Ушбу моддада тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомили (рухсат бериш тартиб-таомили) — ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризанинг топширилиши ва кўриб чиқилиши, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг берилиши, амал қилиш муддатининг узайтирилиши, тўхтатиб турилиши, қайта тикланиши, тугатилиши, қайта расмийлаштирилиши ва бекор қилиниши жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи эканлиги белгиланган. Яъни, тадбиркорлик субъектининг тадбиркорлик билан боғлиқ муайян фаолиятини амалга ошириши учун ваколатли давлат органи томонидан унинг ушбу фаолиятни амалга оширганига нисбатан ҳуқуқларини тан олган ҳолда ушбу ҳуқуқларни ҳужжатлаштириш орқали рухсат беришга қаратилган ҳуқуқий ҳаракатлар мажмуи назарда тутилади.

Рухсат бериш тартиб таомилларининг аҳамияти шундаки, ушбу тизим тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилиши мумкин бўлган тадбиркорлик фаолияти турларига нисбатан жорий этилиб, мазкур фаолиятни амалга оширишда алоҳида тартиб ва қоидаларга қатъий риоя этилиши назарда тутилади. Шу билан бирга белгиланаётган рухсат бериш тартиб таомили тадбиркорлик фаолиятидаги рақобатни чекламаслиги, тушунарли, очиқ ва ошқора бўлиши, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаши зарурдир.

### **Рухсат олиниши лозим бўлган фаолият йўналишларидаги асосий талаб ва шартлар нималардан иборат?**

Рухсат олиниши лозим бўлган фаолият йўналишларидаги асосий талаблар сифатида Тадбиркорлик субъектларининг бизнес фаолиятини олиб боришида қонун ҳужжатларига қатъий тартибда амал қилиши, экологик, санитар-гигиеник ва жамият манфаатларига путур етказмай фаолият олиб бориши, шунингдек, Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларда кўрсатилган муайян доирадаги фаолиятни амалга ошириш назарда тутилади.

### **Рухсат бериш тартиб таомилларини эркинлаштиришнинг зарурати нимада?**

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини эркинлаштириш, уларнинг фаолиятига асосиз аралашувларга барҳам бериш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланиб, бундай чора-тадбирлар тадбиркорлик субъектлари фаолиятига рухсат бериш тартиб таомилларига нисбатан ҳам қўлланилиб келинмоқда. Ушбу соҳада олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотлар тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигини асоссиз чеклашга қарши курашиш, бюрократияга йўл қўймаслик, рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартиришга доир бир талай норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилинишида ўз аксини топмоқда.

Лекин рухсат олиш ҳолатларининг меъёридан ортиқ жорий этилиши, рухсат бериш жараёнинг мураккаб тартиб ва механизмларга эга эканлиги тадбиркорни айрим мансабдор шахслар томонидан турли баҳоналарни рўқач қилган ҳолда овора ва сарсон бўлишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида коррупциянинг кенг авж олишига, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва

эркинликларининг пой мол бўлишига ва бу орқали мамлакатимизда тадбиркорлик, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитига жиддий салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

## I. Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш

➤ **Лицензия** — лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (хукук);

➤ **лицензия даъвогари** — лицензияловчи органга фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган юридик ёки жисмоний шахс;

➤ **лицензиат** — фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш лицензияси бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

➤ **лицензия шартномаси** — фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензиатнинг лицензия олиши ва ундан фойдаланиши борасидаги лицензияловчи орган билан лицензия даъвогари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган ва улар ўртасида тузиладиган шартнома;

➤ **лицензиялар реестри** — берилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган лицензиялар, шунингдек амал қилиши тугатилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган лицензияловчи органларнинг маълумотлар базалари мажмуи.

Лицензиялаш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда лицензияловчи органлар амалга оширади.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатлари* жумласига қуйидагилар киради:

✓ лицензияловчи органларни ва фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартибини белгилаш, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

✓ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лицензиялар реестрини юритиш тартибини белгилаш;

✓ фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларига лицензияловчи органларнинг риоя этишларини назорат қилиш;

✓ лицензиялашнинг айрим турларини амалга ошириш.

Лицензияловчи органларнинг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

✓ фаолиятнинг айрим турларини қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялаш;

✓ қонунда назарда тутилган ҳолларда фаолиятнинг тегишли турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

✓ лицензия талаблари ва шартларига лицензиатлар риоя этишини назорат қилиш;

✓ лицензияларни қайта расмийлаштириш;

✓ лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш;

✓ лицензияларнинг амал қилишини тугатиш;

✓ лицензияларни бекор қилиш;

✓ лицензиялар реестрини юритиш.

Лицензияловчи органлар шу органлар лицензиялайдиган фаолият турлари билан шуғулланаётган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар тузишга ёки улар фаолиятида муассислар (катнашчилар) сифатида иштирок этишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари киради.

Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари қонунлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар) фаолиятнинг лицензияланадиган айрим турларини амалга оширишини тақиқлаб қўйиши мумкин, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### Назорат саволлари:

1. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари нималардан иборат бўлиши мумкин?
3. Тадбиркорлик шартномаларини тузиш, ўзгартириш, бажариш ва бекор қилиш тартибларини тушунтириб беринг.
4. Тадбиркорлик шартномалари бўйича талабномалар ва даъволар билдиришнинг ҳуқуқий жиҳатларини ёритиб беринг.
5. Тадбиркорлик шартномалари бўйича юридик хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
6. Тадбиркорлик шартномалари бўйича жавобгарликни белгилаш тартибини тушунтиринг.
7. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари моҳиятини ёритинг, зарурати ва ҳуқуқий асосларини сананг.
8. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг асосий принципларини сананг.
9. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларига оид фаолият олиб борадиган ваколатли органларни сананг ва ваколатларини айтиб беринг.
10. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар нималардан иборат?

### **3. Банкротликни ҳуқуқий тартибга солиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатишнинг ҳуқуқий асослари**

#### **Режа:**

1. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини эркин амалга ошириш.
2. Тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиш.
3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида инсофсиз рақобат.

Конституция бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектларининг фаолият юритиш асосларини назарда тутадиган ва мукамал кафолатлар тизимини ўз ичига олган устувор қонундир. Шунингдек, жамиятда умумбашарий қадриятлар инсон омили ва ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини кафолатлайдиган ҳамда аҳолининг давлат ва жамият ишларида бевосита қатнашишини таъминлайдиган ҳуқуқий асосдир.

Конституциявий меъёрларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари ҳам белгилаб берилган. Шу боис, бош қомусимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг конституциявий кафолатлари яратилганлиги бир томондан, ундаги нормаларнинг бевосита ҳаётга татбиқ этилаётганлигидан далолат берса, иккинчи томондан эса унинг норматив қоидалари қонунчилик ҳужжатлари, хусусан, қонунлар, Президентнинг фармон, фармойиш ва қарорларида ва бошқа давлат органлари томонидан қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларда изчил ва тизимли таҳлил қилиш асосида амалиётдаги муаммоларни тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатлари нуқтаи-назаридан ҳал этилаётганлиги, уларнинг эркин фаолият юритишнинг шарт-шароитлари яратилаётганлиги, жамиятда ушбу субъектларнинг тутган ўрни ва обрўсининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.<sup>1</sup>

Тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятини эркин амалга оширишлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан кафолатлаб кўйилган. Бош Қомусимизнинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий

---

<sup>1</sup> Қаранг: Бердияров Р.Т. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари. – Т.: ТДҶОИ, 10 бет.

фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши белгиланган.

Конституциямизда, мулкдорларнинг, шу жумладан тадбиркорлик субъектларининг мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги кафолатлаб қўйилган (36-модда).

Тадбиркорлик субъектларининг хусусий мулклари дахлсиз бўлиб, давлатнинг ҳимоясида бўлиши Конституция даражасида кафолатлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-модасига кўра хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тutilган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Бозор механизми самарали ишлаши учун тегишли шарт - шароитларни таъминлаш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш зарурлигидан келиб чиқиб, хусусий мулкни ҳимоя қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1994 йил 21 январида «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармон қабул қилиниши билан хусусий мулкнинг шаклланиши тезлашди, давлат мулки бўлган корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, уларнинг ўрнида хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ташкил қилиниши натижасида саноатда тадбиркорликни ривожланишига турки бўлган кенг имкониятлар, истиқболлар очилиши билан биргаликда чет эл инвестицияларининг кириб келиши жадаллашди. Бу ўз навбатида маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини жадаллаштириб, аҳолининг истеъмол талабларини қаноатлантириш билан биргаликда, товарларни хорижий давлатларга ҳам сотиб, қатъий валютада фойда олиш имконини яратди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 11 майда қабул қилинган “Хусусий мулк ва тадбиркорликни коррупция, рэкет ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларидан ҳимоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги 247-сонли қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup> Тадбиркорлик ҳуқуқи. Дарслик. Махсус қисм. Ш.Н.Рўзиназаров ва бошқалар. – Т.: Консаудитинформ, 2002. 94-95 – бетлар.

Республика аҳолисини тадбиркорлик соҳасига кенг кўламда жалб этишни таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий бизнеснинг ролини сифат жиҳатидан ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги 1995 йил 5 январдаги ПФ-103-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора – тадбирлар тўғрисида»ги 55-сонли, 1995 йил 28 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди.

Тадбиркорликни янада ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги (1992 йил 9 декабрь, ушбу қонун 2001 йил 6 декабрда ўз кучини йўқотган) ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (1996 йил 26 апрель, ушбу қонун 2014 йил 6 майда янги таҳрири қабул қилинган), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (2000 йил 25 май, ушбу қонун 2012 йил 2 майда янги таҳрирда қабул қилинган), «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги (2001 йил 6 декабрь) қонунлари қабул қилинди.

Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратиш, уларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 2000 йил 25 майда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

Қонунда кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқий мақоми, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва кафолатлари кўрсатиб ўтилган. Мазкур Қонунда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган алоҳида боб мавжуд бўлиб, унда тадбиркорлик фаолияти субъектининг ишчанлик обрўсини, интеллектуал фаолият натижаларини, субъектларнинг тижорат сири ва ошкор этилмаган ахборотини ҳимоя қилиш, тадбиркорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг



чекланганлиги ҳамда бундай текширишни амалга ошираётган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларини амалга оширишга доир талаблар, тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг фаолиятини чекловчи чораларни қўллашга бағишланган алоҳида моддалар кўрсатиб ўтилган.

Бироқ, ушбу Қонун нормалари ҳозирги замон талабларига жавоб бермас эди. Хусусан, Қонун 11-моддасининг биринчи қисмида тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилиши белгиланган эди. Информацион-коммуникацион технологиялар барча соҳаларга, шу жумладан, давлат рўйхатига олиш соҳасига шиддат билан кириб бораётган бир пайтда Қонуннинг ушбу нормаси мазмунан эскирганлигини кўрсатди.

Бундан ташқари, Қонунда тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, давлат буюртмаларини олиш, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотишнинг, ҳисоботларни топширишнинг ноқулай тартиби жорий этилганди.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш зарурлиги кўрсатилди. Бу қонунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўллари соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар беришни кўзда тутиш лозимлиги, ушбу секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам қонунда ўз аксини топиши даркорлиги кўрсатиб ўтилди<sup>3</sup>.

2012 йил 2 майда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Янги таҳрирдаги

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. 51-52–бетлар.

Қонунда мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган барча масалалар ўзининг ҳуқуқий ечимини топди.

Тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиш ва уни янада уйғунлаштириш, хусусий мулкка кенг қафолатлар бериш билан белгиланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3618-сонли, 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3619-сонли, 2005 йил 24 июндаги “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида”ги ПФ-3622-сонли фармонлари ҳамда 2009 йил 15 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1112-сонли Қарори шулар жумласидандир.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси талабларига сўзсиз риоя этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармони қабул қилинган.

Мазкур Фармон билан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилди.

Таъкидлаш керакки, мазкур Фармон қабул қилигунига қадар тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари назорат қилувчи органларнинг қарорлари асосида қўлланилган. Бу эса ўз навбатида назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келган.

2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартибининг жорий этилиши муносабати билан ушбу йўналишда назорат қилувчи органлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг тенглигига эришилди. Эндиликда

назорат қилувчи органлар тадбиркорлик субъектига нисбатан бирон бир ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш лозимлигини мустақил суд олдида исботланиши керак. Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг мазкур Фармони тадбиркорлик субъектларининг ҳимоясига қаратилган ҳуқуқий тизимда муҳим аҳамият касб этди ҳамда унинг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги ислохотларнинг мантикий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-357-сонли Қарори тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш билан бирга тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сон қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бериш, давлат назорат функциялари ва рухсат беришга оид нормаларнинг қисқартирилишига, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар бериш механизмини такомиллаштириш ва унификациялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.<sup>4</sup>

Ишбилармонлик муҳитини тубдан янада яхшилаш, бозор ислохотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини

---

<sup>4</sup> Тадбиркорлик соҳасида маъмурий тартиб-қоидалар бўйича қўлланма. Ғ.Хидоятлов ва б. – Т.: Шарқ, 2011. 17-18-бетлар.

шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонга мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принципи белгиланди. Мазкур принципга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддият ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этиладиган бўлди.

Фармоннинг 4-бандида 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб юридик шахслар текширишлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқига эгалигини жорий этувчи тартиб қўлланила бошланди.

Президентимиз И.Каримов кайд этганидек, “...Соҳа ривожини учун мустақам қонунчилик ва ҳуқуқий база шакллантирилгани ва мунтазам такомиллаштирилиб борилаётгани, бизнес учун имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатилаётганлигини таъкидлаш лозим”<sup>5</sup>.

Янгича мазмунда таҳрир қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири 8-моддасида кўрсатилганидек, тадбиркорлик фаолияти субъектлари:

- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга;

- юридик шахс бўлган бошқа тадбиркорлик субъектларининг муассислари (иштирокчилари) бўлишга;

- мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулкка эгалик қилишга, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга;

ўз фаолияти йўналишларини, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларни ва ўз товарларининг (ишларининг, хизматларининг) истеъмолчиларини мустақил равишда танлашга;

---

<sup>5</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. – 49 бет.

- тадбиркорликдан чекланмаган микдорда даромад (фойда) олишга, бундан товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида устун мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари мустасно;

- ўз товарларини (ишларини, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- барча ишлаб чиқариш харажатларининг ўрни қопланиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган даромадни (фойдани) эркин тасарруф этишга, суд тартибидаги мажбурий ундирув ҳоллари бундан мустасно;

- кредитлар олишга, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳамда ўзга мол-мулкни шартнома шартлари асосида жалб этишга, шу жумладан биноларни, иншоотларни, ускуналарни ва ўзга мол-мулкни олишга ва (ёки) текин, ижарага (лизингга) олишга ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга йўналтиришга;

- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга ҳақли. Шунингдек, улар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Қонуннинг 11-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқининг устуворлиги принципи илк бор белгиланди. Унга кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади.

Шунингдек, унда инсофсиз рақобатга йўл қўйилмаслиги улар ҳуқуқларини химоя қилишга қаратилди. Яъни, тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда афзалликлар олишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ва бошқа тадбиркорлик субъектлари бўлган рақобатчиларга зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-боби “Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” деб номланиб, 35 – 42-моддаларни ўзида бирлаштирган. Уларда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш, интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш, уларнинг тижорат сирини ва ошкор этилмаган ахборотини муҳофаза қилиш, унга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, улар фаолиятини текширишларни чеклаш, уларга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилмаслиги, улар фаолиятини текширишларни амалга ошираётган мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар, уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш билан боғлиқ нормалар белгиланган.

“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да Президентимиз “...бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортикча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, қонунда назарда тутилмаган ортикча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш зарур”<sup>6</sup> деб кўрсатган эди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу концептуал ғоясидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳисоботлар ва фаолият юритиш учун рухсат бериш тартиб-қоидаларини белгилашда Президентнинг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бозор иқтисодиёти талабларига, халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ, бюрократик ғовларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти учун

---

<sup>6</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. – 49 бет.

максимал даражада қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлда “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4453-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонда 2012 йил 1 августдан бошлаб рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомилни (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоиз), шунингдек лицензияланадиган фаолият турларининг 15 тасини (умумий миқдорига нисбатан 20 фоиз) бекор қилиш ва бирлаштириш ҳисобига бекор қилиш назарда тутилган.

Шунингдек, Фармонда 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб ноширлик фаолияти, қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш, архитектура-шахарсозлик ҳужжатларини яратиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялар амал муддати чекланмаган ҳолда берилиши назарда тутилган. Бунда мазкур фаолият турларини амалга ошириш учун аввал берилган лицензияларнинг амал қилиш муддати чекланмаган, деб ҳисобланиши кўрсатилган.

Шу билан бирга 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари томонидан илгари кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда аризалар такроран тақдим этилган тақдирда янги асослар бўйича лицензия ва рухсатномалар беришдан бош тортиш таъқиқланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2012-2016 йиллар мобайнида ариза берувчиларга аризаларнинг ўтиш жараёнини интерактив кузатиш имкониятини яратган ҳолда лицензия ва рухсатномаларни олиш учун интернет тармоғи орқали аризаларни беришнинг электрон шакллари жорий этилишини таъминлаши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда интернет тармоғида ягона веб-сайт яратиш, унга лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари рўйхатини, лицензия ва рухсатномалар олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек тегишли фаолият турларини

амалга ошириш учун лицензия ва рухсатномалар олган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги доимо янгиланиб турадиган маълумотларни жойлаштириши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлда “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4455-сонли Фармони қабул қилиниши мазкур йўналишда амалга ошириладиган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур Фармонни қабул қилишдан асосий мақсад ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида ҳамма томонидан қабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада оширишдан иборатдир.

Фармонда ҳозирги халқаро амалиётда қабул қилинганидек, регламентга солувчи тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, арзонлаштириш ва қисқартириш, давлат ва назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита мулоқотсиз электрон шакллари ҳамма жойда кенг татбиқ этиш талаб қилиниши белгиланди.

Мазкур Фармон 2-бандининг иккинчи хатбошисида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, бюрократик ғовларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукамаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулайроқ шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодий ривожлантиришдаги ҳиссасини ошириш бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштиришнинг ғоят муҳим вазифаларидан бири этиб белгиланганлиги кўрсатилган.



Фармон билан 2012 йил 1 августдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган, жумладан тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга оширишни бошлаш соҳасида аниқ меъёр ва чора-тадбирлар жорий қилиниши белгиланди. Хусусан:

- хўжалик юритувчи субъектларни (кредит ташкилотлари бундан мустасно) давлат рўйхатидан ўтказгунга қадар устав фондининг бир қисмини тўлаш тўғрисидаги талаб бекор қилинди. Шу билан бирга ушбу хўжалик юритувчи субъектларга устав фондини бир йил муддат давомида шакллантириш мажбурияти юкланди;

- рўйхатга олиш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган тадбиркорлик субъектининг фирма номини резерв қилиб қўйиш учун аризаларни қабул қилиш Интернет тармоғи орқали кеча-кундуз давомида статистика органлари томонидан таъминланиши кўрсатилди. Бундай аризаларни кўриб чиқиш муддати 4 иш соати қилиб белгиланди;

- электрон рақамли имзо калитларини Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Рўйхатга олиш маркази томонидан беришда тўланадиган тўлов энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизидан 10 фоизига камайтирилди;

- банк ҳисобрақамларини очиш учун имзо намуналарининг нотариал тасдиқланиши, шунингдек кичик тадбиркорлик субъекти – микрофирмаларнинг имзо намуналари карточкаларида иккинчи имзо, яъни бухгалтер имзоси бўлиши зарурлиги ҳақидаги талаб бекор қилинди;

- сув таъминоти ва сув-оқава тармоқларига уланиш учун ариза берилган кундан бошлаб 2 иш куни мобайнида рухсат берилиши кўрсатилди;

- тадбиркорлик субъектларининг телефон тармоқларига уланишларини таъминлаш бўйича ишлар 10 кун давомида амалга оширилиши белгиланди.

2012 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинди ва у кучга кирди.

Ушбу Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-қоидалари белгилаб берилди. Унга кўра “Бажарилиши ва (ёки) амалга оширилиши учун рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш зарур бўлган ҳаракатлар ва (ёки) фаолият жумласига тадбиркорлик субъектларининг бажарилиши ва (ёки) амалга оширилиши

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган, тартибга солиниши рухсат бериш тартиб-таомилларидан ташқари бошқа усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмайдиган ҳаракатлари ва (ёки) фаолияти киритилиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари қонун ҳужжатларида белгиланади. Рухсат бериш тартиб-таомилларининг қонунда назарда тутилмаган янги турларини жорий этиш тақиқланади.”

Ҳозирги қонунчилик амалиётида кенг қўлланилаётган қоида “Тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилади, унга мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектларининг фойдасига талқин қилинади” деб белгиланиши тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг муҳим принциpidир.

Шунингдек, Қонунда рухсат бериш тартиб-таомилларининг асосий принциплари, Вазирлар Маҳкамаси ва ваколатли давлат органининг рухсат бериш тартиб-таомилларига доир ваколатлари, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тадбиркорлик субъекти тегишли ваколатли органга тақдим этадиган ҳужжатлар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати чекланмаслиги, рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларнинг тасдиқланиши ва уларда кўрсатилиши зарур бўлган ҳолатлар ва бошқа нормалар белгиланган.

Айниқса, тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддатлари рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланиши, тадбиркорлик субъектининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан қабул қилиб олинган санадан эътиборан, шу жумладан рухсат этиш хусусиятига эга зарур ҳужжатлар «бир дарча» орқали бериладиган ҳолларда ўттиз иш кунидан ошмаслиги, рад этиш тартиби ҳақидаги нормаларнинг белгиланганлиги муҳим аҳамиятга эга (Қонуннинг 18, 20-моддалари).

Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши рухсат беришга доир талаблар ва шартлар тадбиркорлик субъекти томонидан бузилганлиги аниқланганда, тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли органнинг тадбиркорлик субъекти зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юқловчи қарори бажарилмаганда тўхтатиб турилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш суд тартибида амалга оширилиши белгиланган.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга ваколатли орган томонидан тўхтатиб турилиши мумкин.

Ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори тадбиркорлик субъектига қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш сабаблари ва қонун ҳужжатларининг нормалари аниқ кўрсатилган ҳолда, ёзма шаклда етказилиши зарур.

Қонуннинг 23-моддасида “Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолда ваколатли орган томонидан, ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда эса, суд томонидан тугатилади”.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш ҳуқуқий таъсир чораларидан бири сифатида фақат суд томонидан қўлланилади.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “Мамлакатимизда қабул қилинган қонунчилик талабларига кўра, давлат органларининг ноқонуний қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, шунингдек, қонунчиликка зид тарзда қабул қилинган идоравий ҳужжат туфайли тадбиркорлик субъектларига етказилган зарар давлат томонидан

қопланади”<sup>7</sup>. Бу тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат томонидан берилган қафолатдир.

“Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларига доир муносабатларни тартибга солиш, тадбиркорларнинг қонун олдидаги тенглигини таъминлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, йўл қўйилаётган ҳар бир қонунбузилиш ҳолатларига қатъий чек қўйиш тадбиркорликнинг ривожланишига, унинг янада мустаҳкамланишига, аҳоли фаровонлигининг юксалишига кенг имкониятлар яратади ва уларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Ўз ўрнида қайд этиб ўтиш лозимки, мамлакатимизда сўнгги йилларда ортиқча бюрократик ғовларни бартараф этиш, замон талабларига мос келмайдиган лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш, уларни тақдим этиш механизмини такомиллаштириш ҳисобига республикада қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, бизнес субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва шундай субъектларнинг янада эркин фаолият юритишларини таъминлаш борасида изчил ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

### **Назорат саволлари:**

1. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини сананг.
2. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари мажбуриятларини сананг.
3. Тадбиркорлик фаолиятинининг конституциявий қафолатлари нималардан иборат?
4. Тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи моҳиятини тушунтиринг
5. Тадбиркорлик фаолиятинининг яна қандай қафолатлар мавжуд?
6. Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби ва асосларини санаб беринг.
7. Қарздорни банкрот деб эълон қилиш тўғрисида кимлар ва қандай тартибда судга мурожаат этишга ҳақли?

---

<sup>7</sup> Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. 52–бет.

#### 4. Ўзбекистон Республикасида оила муносабатларини тартибга солишнинг умумий қоидалари

##### РЕЖА:

1. Оила ҳуқуқи тушунчаси
2. Оила ҳуқуқининг тамоиллари
3. Оила ҳуқуқининг тизими
4. Ўзбекистон Республикаси оила ҳуқуқи соҳаси манбаларининг

шарҳи

**1. Оила ҳуқуқи тушунчаси.** Оила жамиятнинг табиий ва асосий хужайрасидир. У қанча мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча мустаҳкам ва тез ривожланади. Жамиятимиз асоси-оила моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда. Оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар ахлоқ-одоб ва ҳуқуқий қоидалар билан тартибга солинади. Оила ҳуқуқи ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиб, никоҳ, қон-қариндошлик, болаларнинг насл-насабини белгилаш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларида келиб чиқадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади. Оила ҳуқуқини предмети бўлиб, оила аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкӣ муносабатлар ҳисобланади.

Шахсий муносабатларга, эр-хотиннинг фамилияси, болалар тарбияси, оила турмуши масалаларини ҳал қилиши, машғулоти тури, касб ва турар-жой танлаш ҳуқуқлари киради.

Мулкӣ муносабатларга эса, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган умумий мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Ота-она ҳамда болаларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари киради.

Ҳуқуқий-демократик давлат, эркин адолатли фуқаролик жамиятида мулкӣ бўлмаган номулкӣ шахсий муносабатлар асосий белгиловчи, мулкӣ муносабатлар эса бўйсунувчи ҳосила характерга эга. Оилавий муносабатлар йиғиндисида мулкӣ бўлмаган шахсий муносабатларни устун бўлишлигининг сабаби, аввало насли давом эттириш ва болаларни тарбиялаш билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, оила ҳуқуқи никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, никоҳнинг тугатилиши, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги, оилада эр ва хотин ўртасида, ота-она билан болалар ўртасида, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида келиб чиқадиган шахсий ва мулкӣ муносабатларни, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, болаларни оилага тарбияга олиш туфайли келиб чиқадиган муносабатларни, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибларини белгилайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат.

**2. Оила ҳуқуқининг тамойиллари (принциплари).** Оила ҳуқуқи моҳиятини очиб беришда фақат унинг тушунчаси, предметини ўзига хос хусусияти ва шу билан бирга унинг энг муҳим тамойилларини ҳам инобатга олиш лозим, чунки унинг тамойиллари бу ҳуқуқ соҳасининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Оила ҳуқуқи тамойиллари деганда, ушбу ҳуқуқ соҳасининг моҳиятини аниқлаб берадиган ҳамда ҳуқуқий мустаҳкамланганлиги сабабли умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган асосий негиз, раҳбарий қоидалар тушунилади.

Оила ҳуқуқи тамойилларини ҳисобга олмасдан унинг нормаларини тўғри шарҳлаб ва қўллаб бўлмайди. Оила ҳуқуқи тамойиллари нафақат ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун, балки шу билан бирга амалдаги оила қонунчилигининг моҳиятини англаш ҳамда унинг кейинги такомиллаштирилиши учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Оила ҳуқуқининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

***1) Оилани жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи.***

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 63-модда).

***А) Оила давлат ҳимоясида.***

Оила давлат ҳимоясида дейилганда аввало вужудга келган оилаларни сақлаб қолиш ва уларни мустаҳкамлашга қаратилган давлат томонидан кўрилган тадбир чораларни тушунилади.

Давлатнинг оила хусусидаги ғамхўрлиги авваломбор ҳукумат юритаётган кучли ижтимоий сиёсатда намоён бўлмоқда. Давлат раҳбарлигида амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислоҳий чора-тадбирларнинг бош мақсади инсон, оила манфаатларини қаноатлантиришдан иборат.

Оиланинг давлат муҳофазасида эканлиги Республикамиз Президентининг фармонларида ўз ифодасини топомқда.

Жаҳоннинг бир гуруҳ тадқиқотчи олимлари томонидан республикада оилани, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида қилинаётган ишлар ўрганиб чиқилди. Натижалар чет эллардаги аҳвол билан таққослаганда, бирор бир мамлакат Президенти эли, оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида бизнинг Юртбошимиз каби кўп қарор ва фармонлар қабул қилинганлиги маълум бўлди.

***Б) Оила жамият муҳофазасида.***

Жамият томонидан оила муҳофаза қилинади дейилганда, мамлакатда мавжуд бўлган жамиятлар ва жамғармалар томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларни оилага ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беришлари тушунилади. Бу қоида мустақил Республиканинг Конституциясида белгиланган янги қоидадир.

Мамлакатимизда жамоат ташкилотлари ҳар хил жамғармалар ҳисобидан оилани мустаҳкамлаш, болалар манфаатини ҳимоя қилиш учун турли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Оила айна вақтда жамиятнинг, аввало, унинг жамият манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигида ҳамда ижтимоий вазифаларида яққол акс этади.

**2) Барча фуқаролар – жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенглиги.**

Оила ҳуқуқида барча фуқаролар миллати, ирқидан қатъий назар тенг эканлиги ифодаланган «...барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар» (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 18-модда). Бу халқлар дўстлигидан келиб чиқадиган ўзгармас қоида бўлиб оила ҳуқуқида ўз ифодасини топиб одамларни ҳар хил миллатга тегишли эканлиги ёки ирқига мансублиги оилавий муносабатларда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини англатади.

Никоҳ тузиш учун фуқароларни ҳар хил миллатга, динга эътиқод этишлиги тўсик бўлолмайди.

Болаларни фарзандликка олишда фарзандликка олишда фарзандликка олувчиларни болалардан бошқа миллатга тегишли эканлиги ҳам монелик қилолмайди.

Ҳаётимизда никоҳ, фарзандликка олиш туфайли фуқароларнинг бир оилага бирлашганлигини кўплаб учратиш мумкин.

**3) Ҳамма оилавий муносабатларда аёл билан эркак тенг ҳуқуқлидирлар.**

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасига биноан, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар. Бу тамойил конституцион қоидага айланди.

Жамиятда аёл билан эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги мамлакатимизда эришилган жинсидан қатъий назар фуқароларни сиёсий тенглигига асосланд.

Бу тамойил Оила кодексининг 2-моддасида қуйидагича ифодаланган: оила муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

**4) Оилавий муносабатларда иштирак этувчиларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ўзаро бир-бирига ғамхўрлик қилиши.**

Бу тамойил оилавий муносабатларнинг мазмунидан келиб чиқиб улар моддий ҳисоб-китоблардан ҳоли бўлган бир-бирига муҳаббат, ҳурмат каби ҳиссиётларга асосланади.

Эр ва хотин, ота-она ва болалар, бобо-буви ва набиралар, ака-укалар ва опа-сингиллар, фарзандликка олганлар ва фарзандликка олинганлар ва ҳоказолар ўртасидаги муносабатлар-аввало никоҳ, қон-қариндошлик ёки оилавий ришталар билан боғлиқ бўлган шахслар ўртасидаги шахсий муносабатлардир.

Оилавий муносабат иштирокчиларининг бир-бирига муносабати умум ахлоқий тамойилга ва маънавий меъёрлар билан тартибга солинади. Бу эса ҳуқуқий демократик давлатни муваффақият билан кураётган жамият аъзоларига хосдир.

Оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши мана шу тамойилларга таянади ва уларга тўла мос келади. Баъзи ҳолларда қонун оила аъзоларининг ўз яқинларига ғамхўрлик қилиш мажбуриятини юклайди. Оила кодексининг 109-моддасига биноан вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Амалдаги қонунда оила аъзоларининг алимент тўлаш тўғрисидаги келишув тартиби эътироф этилади ва ушбу тартиб жамиятда ўрнатилган фуқароларнинг ўзаро муносабатлари қурилишига оид ахлоқий мезонларга мос келади.

Зарур ҳолларда оила аъзоси моддий таъминотни суднинг ҳал қилув қарорига асосан ундирилади.

Кўп ҳолларда оила аъзоларининг бир-бирига алимент таъминоти давлат ва ижтимоий фондлардан олинадиган маблағларга кўшимчадир. Бу фондларнинг кўпайиши ва улар орқали фуқаролар эҳтиёжларининг янада кўпроқ қондирилиши билан алимент мажбуриятлари жамиятда ўз аҳамиятини йўқота боради.

**5) Давлат томонидан оналик, оталик ва болаликни муҳофаза этиш ва уларнинг манфаатларини ҳар тарафлама ҳимоя қилиш.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддаси 2-қисми ва Оила кодексининг 4-моддаси 1-қисмига биноан оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир.

Инсонни дунёга келишлиги жуда катта бахтдир. У муомала лаёқатига тўлиб мустақил равишда ўз хоҳиши билан никоҳ муносабатига кириб оиласида болалар туғилса унга берилган энг улуғ ном, унвон бу оналик, оталик ва болаликдир.

**Оналик.** Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида оналикни ҳимоя этишга алоҳида аҳамият берилади. Чунки аёлнинг асосий вазифаси инсоният занжирини бардавом эттириш, оналик ҳам жамият ҳаётидаги муҳим бир иш бўлиб қолади. Оналикни бошқа ҳеч бир вазифа билан алмаштирилиши мумкин эмас.

Аёл киши учун дунёда оналик бахтидан буюкроқ бахт йўқ.

Она бўлиш, фарзанд кўриш, алла айтиш аёл учун бахтдир.

**Оталик.** Оила ҳуқуқининг тамойили бўлган «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиниши» жумласи ёнига амалдаги Оила кодексига «Оталик»



деган сўз ҳам кўшилди. Бу мустакиллик шарофати туфайли бўлди. Чунки тўлиқ маънода «Оиланинг, оналик, оталик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши» билан белгиланади.

Хотинни ҳомиладорлик даври бўлажак ота учун ҳам жиддий синовдир. Бу даврда эр бўлажак она ва бола тўғрисида ғамхўрлик қилиши, хотиннинг эсон-омон қутулиб олишга тайёрланиб бориши учун яхши шарт-шароит яратиб беришда кўлидан келганча ҳаракат қилиши лозим. Унга тегишлича руҳий-иқтисодий муҳитнинг яратилиши ҳомиладорликнинг соғлом кечишини таъминлайди.

Оталикнинг давлат томонидан ҳимоя қилиш кафолати сифатида оиласида ҳар бир бола туғилганда эркакларга иш ҳақи сақланган ҳолда бир ҳафталик таътил берилса мақсадга мувофиқ бўлади, чунки оилада болани дунёга келишида эркак ҳам аёл билан тенг иштирок этиб у ҳам имтёзли ҳуқуққа эга бўлиши белгиланса тўғри бўлади.

**Болалик.** Бола, ота-онанинг қувончи, фахри, бахти, эр-хотинни бири-бирига пайванд қиладиган ҳам фарзанддир.

Боллага меҳр-муҳаббат туйғуси оналарда жуда кучли бўлади. Она ўз боласини туғилмасидан анча аввал севишга ва унга жонини ҳам беришга қодир зот. Бола пайдо бўлганидан туғилгунга қадар онаси ҳисобига озикланади, ривожланади. «Она ўз жонидан жон, ўз танидан тан адо этади», деб бежиз айтишмаган.

Аҳолисининг ярмидан кўпроғини 18 ёшгача бўлган вояга етмаган болалар ташкил этадиган республикада болалар ҳуқуқларини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга.

#### **6) Ихтиёрий ва эркин никоҳ.**

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир.

Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади (Оила коедксининг 14-моддаси).

Жамиятда никоҳ эркак билан аёл ўртасидаги тенглик ва ўзаро хоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ ва аҳднома бўлиб, мақсади оила қуриш, фарзандларни жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдан иборат. Никоҳ тузишнинг муҳим шартларидан бири никоҳланувчиларнинг ихтиёрий ва эркин иттифоқидир.

Никоҳга киришнинг ўзаро розилик шarti бузилиши фақат унинг ҳақиқий эмас, деб танилишигагина эмас, балки ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этиб никоҳга киришга зўрлаган, алдаган ва қўрқитган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

#### **7) Фақат якка никоҳликни тан олиш ва уни мустаҳкамлаш учун ёрдам бериш.**

Очиқ адолатли ҳуқуқий жамиятда фуқаро фақат бир никоҳда бўлиши мумкин. Якка никоҳлик тамойили бизнинг мамлакатда мавжуд бўлган юксак истиқлол мафкураси меъёрларидан келиб чиқади. Бундай қоида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичидаги оила муносабатларининг талабларига тўла жавоб беради.

Амалдаги қонунда белгиланган яқка никоҳлик ҳаётда мавжуд бўлган ҳақиқат билан мувофиқ бўлиб одамлар хулқ-атворидаги қоидаларга мос келади.

Бу қонуннинг бузилиши фақат никоҳни ҳақиқий эмас деб ҳисоблашдан ташқари қонунни бузган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

#### **8) Давлат тартиби асосида никоҳдан эркин ажралиш.**

Давлат назорати асосида никоҳдан эркин ажралиш (Оила кодексининг 37-моддаси).

Никоҳдан ажралиш эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқи, аммо никоҳдан ажралиш ижтимоий манфаатга таъсир этишлигини, оилани бузилишлигини ҳисобга олиб давлат никоҳдан ажралиш тартиби ва асосларини белгилайди, бунда эр-хотинларга ёрдам бериб, ўйламасдан қабул қилинган қарорни олдини олишни назарда тутаяди.

Амалдаги қонунчилик никоҳдан эркин ажралиш давлат тартибини белгилаб етарли даражада шахсий ва ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилишни таъминлайди.

**3. Оила ҳуқуқининг тизими.** Ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солувчи оила ҳуқуқи қоидалари бетартиб жойлаштирилмасдан, маълум тизимга келтирилган.

Оила ҳуқуқи – бу оила ҳуқуқи тузилиши, унинг муайян кетма-кетликдаги алоҳида институтлари ва меъёрлари таркибидир. Оила ҳуқуқи тизими объектив равишда тузилиб, оила ҳуқуқи предметига кирадиган ижтимоий муносабатларни ўзига хослигини акс эттиради, ҳамда ўзаро боғланган оилавий-ҳуқуқий институтларнинг бирлиги ва фарқланишида намоён бўлади.

Ҳуқуқий институт деганда турдош ва ўзаро боғлиқ ижтимоий муносабатлар гуруҳларини комплекс тартибга солинишини таъминловчи алоҳидалашган ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси тушунилади. Ҳуқуқий институтларга мазмун жиҳатдан турдошлилик, тартибга солиниши бўйича комплекслилик, шунингдек ҳуқуқий алоҳидалилик хосдир.

Оила ҳуқуқи тизими қонунчиликда, аввало Оила кодекси каби кодификацион характердаги актларда, шунингдек оила ҳуқуқи фанида ва «Оила ҳуқуқи» ўқув курсида ўз ифодасини топади.

Оила ҳуқуқи тизими ўз ичига *умумий* ва *махсус* қисмларни олади.

*Умумий қисм* оила ҳуқуқининг махсус қисмидаги барча институтлар учун аҳамиятга эга бўлган меъёрлардан иборат, жумладан оила ҳуқуқининг асосий қоидалари ва вазифалари, оила ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган муносабатлар доираси ва ушбу муносабатлар субъектлари ва объектлари, оила ҳуқуқи манбалари; оилавий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларининг қўлланилиши, шунингдек оила тўғрисидаги ва фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўхшашлик бўйича қўлланилиши; оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши (масалан, Оила кодекси 1-9-моддалар).

Умумий қисмга оилавий ҳуқуқларни амалга ошириш ва оилавий мажбуриятларни бажариш шартларини, оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тартиби ва муддатларини ўрнатувчи меъёрлар киради (масалан, Оила кодекси 10-11-моддалар).

**Махсус қисм** бир неча институтлардан ташкил топган бўлиб, бу институтларнинг ҳар бири ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Улар қуйидагилардан иборат:

- никоҳ (никоҳ тузиш шартлари ва тартиби, никоҳнинг тугатилиши, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги);

- эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (эр ва хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эр-хотин мулкининг қонуний тартиби, эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби, эр ва хотиннинг мажбуриятлар бўйича жавобгарлиги);

- ота-она ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (боланинг насл-насабини белгилаш, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқлари, ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари);

- оила аъзоларининг алимент мажбуриятлари (ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қариндошлар ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув, алимент тўлаш ва ундириш тартиби);

- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш шакллари (ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш, болаларни фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, болаларни оилага тарбияга олиш (патронат);

- оила қонунчилигини чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларга нисбатан қўллаш.

Ҳуқуқ тизимида оила ҳуқуқи ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан турли туташда бўлади. Оила ҳуқуқи ҳуқуқ соҳаларининг шундай гуруҳида жойлашганки, у ҳуқуқнинг тартибга солувчи тизимости гуруҳларидан бири ҳисобланади. Бу гуруҳнинг барча соҳаларига муайян муносабатларни ижодий ташкил этиши учун қўлланилиши хосдир. Ушбу хусусияти билан улар ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш вазифасини бажарувчи ва шу сабабли ман этиш орқали тартибга солувчи жинойт ҳуқуқидан фарқ қилади. Шу билан бирга, тартибга солувчи соҳалар орасида оила ҳуқуқи рухсат бериш орқали тартибга солувчи соҳалар гуруҳига мансуб (фуқаролик, меҳнат ҳуқуқлари каби). Бу гуруҳнинг барча соҳалари сингари, оила ҳуқуқи мажбурлаш орқали тартибга соладиган (масалан, маъмурий, молия ҳуқуқлари) соҳалардан фарқланади, чунки бу соҳалар асосан бир субъектнинг иккинчисига бўйсунishi ва бошқарув органлари далолатномалар асосида шаклланади. Рухсат бериш орқали тартибга солувчи ҳуқуқ соҳалари гуруҳида эса оила ҳуқуқи ўз предмети ва методи бўйича фуқаролик ҳуқуқига яқиндир.

Оилавий муносабатлар бошқа ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ. Шу сабабли оила ҳуқуқи у ёки бу даражада деярли барча ҳуқуқ соҳалари

билан ўзаро боғлиқ. Бироқ бу боғлиқликнинг даража ва шакллари турлича намоён бўлади.

Конституцион ва оила ҳуқуқи ўртасида ўзаро боғлиқликнинг ўзига хос шакли мавжуддир. Конституцион ҳуқуқ жамиятда оилавий муносабатлар курилишининг бош ва асосий қоидаларини ўз ичига олади (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 46, 63-66 моддалар). Оила ҳуқуқида ушбу қоидалар қайта ишланади, кенгайтирилади, ривожлантирилади, аниқлаштирилади.

Ўзаро боғлиқлик аксарият ҳолларда оила ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг соҳалари меъёрларининг биргаликда қўлланилишида ифодаланади.

Маъмурий ҳуқуқ билан оила ҳуқуқи юридик фактлар соҳасида қалин алоқадорликда, чунки оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши ва тугатилиши асослари сифатида кўп ҳолларда бошқарув органлари актлари хизмат қилади (фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик белгилаш ва бошқалар). Фуқаролик жараёни ва оила ҳуқуқи меъёрлари низоларни ҳал қилиш, оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда қўлланилади. Жиноят ҳуқуқи оилавий муносабатларни муҳофаза қилишда татбиқ этилади. Шу сабабли, оила ҳуқуқида жиноят ҳуқуқига ҳавола қилишлар мавжуд бўлиб, улар никоҳ тузишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни яширганлик учун, фарзандликка олиш сири ва ҳоказолар учун жиноий жавобгарликка тортилишини назарда тутди.

Оила ва фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик нисбати юқори даражададир. Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда ўзаро боғлиқлик бир соҳа нормаларини иккинчи соҳа муносабатларида қўлланилишида ифодаланади.

Оила ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг бошқа соҳалари меъёрларининг ўзаро боғлиқлиги уларнинг бирлашиб кетишига олиб келмайди. Лекин бу ҳолат оила қонунчилигида фақат оила ҳуқуқи нормалари эмас, балки у билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ соҳалари нормаларининг мавжуд бўлишида ҳам ифодаланади. Айниқса бунда фуқаролик, маъмурий, фуқаролик жараёни ҳуқуқи нормаларининг кўплиги кўзга ташланади. Бу нормалар оилавий муносабатларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда санаб ўтилган ҳуқуқ соҳаларининг оилавий муносабатларни тартибга солишдаги хусусиятларини акс эттиради.

**3. Ўзбекистон Республикаси оила ҳуқуқи соҳаси манбаларининг шарҳи.** *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.* Оила ҳуқуқининг асосий манбаи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. У ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.

Мустақил Республика Конституциясининг қабул қилиниши никоҳ ва оила қонунига ҳам аниқлик киритди. Бундан сўнг никоҳ ва оила кодекси дейилмай, «Оила кодекси», деб аталмоқда. Чунки Конституциянинг III бўлим, XIV мавзуи «Оила» деб номланиб, 63-66-моддалар оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидалардир. 46-моддада эса

хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидирлир, деган оила ҳуқуқини тамойилини асосий қонунга киритди.

Юқорида таъкидланганидек, Асосий қонунда Оилага махсус мавзу ажратилган. Бу мавзуни «Жамият ва шахс» бўлимида берилиши ҳам айтилган, чунки оила жамиятнинг бир бўлаги, унинг асосий бўғинидир.

Конституциянинг 63-моддасида шундай дейилади: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга».

Бу моддани «Оила-оталик, оналик ва болалик давлат ва ҳар хил нодавлат жамғармалар ҳимоясида бўлади», дейилган жумла билан тўлдирилса, янада катта аҳамият касб этарди. Чунки тўлиқ, кенг маънодаги «Оила» сўзи илмий маънода ота, она ва болани ўз ичига олади. Эр-хотин ўртасидаги муносабатнинг асосида никоҳ ётса, ота-она ва бола ўртасидаги муносабатнинг асосида қон-қариндошлик ётади. Чунки, бола ота қонидан пайдо бўлади, она қоридан туғилади. Оилани мустаҳкамлаш кўп жаҳатдан унда отанинг обрўйини, аҳамиятини ошириш билан бевосита боғлиқ. Ота бўлиш муқаддас ва масъулиятли вазифадир. Чунки, ҳаётини тажрибадан маълум бўлишича, оиланинг барча маънавий ва иқтисодий ташвишлари оталарга юклатилган. Ота оила бошлиғи, ўз фарзанди униб-ўсиши, вояга етиши учун биринчи масъул шахс.

Айтилган шу ҳолат тили, дини, тарихи, тақдири биз билан муштарак бўлган ён ва жон қўшнимиз Қозоғистон Республикасининг 1993 йил 28 январда қабул қилинган Конституциясининг 52-моддасида ўз ифодасини топди. У қуйидагича белгиланди: «Оила, оналик, оталик ва болалик жамият ва давлат ҳимоясидадир». Бу айтилган муддаодир.

Оила ҳуқуқининг асосий тамойиллари Конституцияда ўз ифодасини топган. Улар жумласига оилани жамият ва давлат муҳофазасида бўлишлиги, оилада эрка ва аёлни тенг ҳуқуқлилиги, никоҳнинг ихтиёрий ва тенг бўлишлиги, ота-оналар ва болаларни асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларидир.

**Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.** Оила ҳуқуқининг асосий манбаи бутун кенг қамровли оила қонунчилигининг «ўзаги» Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексидадир. У 1998 йил 30 апрелда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида қабул қилиниб, ўша йили 1 сентябрдан эътиборан амалга киритилди.

Оила кодекси 8 бўлим, 30 мавзу, 238 моддадан иборат.

Амалдаги Оила кодекси лойиҳаси бирданига пайдо бўлгани йўқ. Уни тайёрлаш тўғрисида 1996 йил Тошкентда бўлиб ўтган «Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш» Мавзусига бағишланган Республика юристлари конференциясида ҳам айтилган.

Оилани янада мустаҳкамлаш ва унинг ижтимоий аҳамиятини ошириш учун ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар мустақиллик ва миллий истиклол мафқураси ғоялари асосида

тайёрланди. У халқаро нормаларга ва миллий менталитетга мос равишда ишлаб чиқилди.

Оила тўғрисидаги қонунларни янада такомиллаштириш бир канча йўналишларда олиб борилди.

**Биринчидан**, мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Президент фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари унга ҳуқуқий асос қилиб олинди. Чунки хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, жамиятнинг асосий ҳужайраси ҳисобланган оилани мустаҳкамлаш, никоҳнинг барқарор бўлиши, оталик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фарзанд тарбиясида ва моддий таъминотида ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46, 63-66-моддаларида, шунингдек, махсус қонунларда, меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

**Иккинчидан**, амалдаги оила қонунларини такомиллаштиришда узоқ йиллар давомида синовдан ўтган, ўзининг ижобий натижаларини берган қоидалар сақлаб қолинди.

**Учинчидан**, алоҳида эътиборни Шарқда вужудга келган ва ривожланган мусулмон ҳуқуқини, шариат ва одоб-ахлоқ қоидаларини тиклаш истиқболларини ва унинг тамойилларини янги Оила кодексига киритишга ҳаракат қилинди.

**Тўртинчидан**, оилавий муносабатлар мустаҳкам бўлган, болалар тарбияси яхши йўлга қўйилган айрим хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини яхши ўрганиб, мамлакатимизнинг янги қонунларига олиб кириш масаласи ҳам ўрганилди.

**Бешинчидан**, илгари мамлакатда амалда бўлган “Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодекси” (1969 йил 6 июнь), “ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асослари” (1968йил 27июнь) асосида ёзилганди. Уларда республика аҳолисининг, айниқса ўзбек халқининг ўзига хос миллий ва маҳаллий хусусиятлари деярли инобатга олинмаган.

Умуман олганда, илгари амалда бўлган Кодекс мамлакатимизда вужудга келтирилаётган бозор иқтисодиёти муносабатларини чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий туб ўзгаришларга жавоб бераолмай қолди. Ўзбекистон Республикасининг янги қабул қилинган Фуқаролик, Фуқаролик процессуал кодексларида белгиланган қоидаларга зид келиб қолди. Шунинг учун қонунчиликда бир бутун яхлитликни сақлаш мақсадида янги Оила кодексини тайёрлаш ва уни қабул қилиш зурурияти пайдо бўлди.

**Олтинчидан**, оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш тартиби ва унинг ўзига хос хусусиятлари Оила кодексига берилиши лозим. Чунки моддий ҳуқуқда белгиланган қоидалар процессуал ҳуқуқий тартиб асосида амалга оширилади.

Умуман, Оила кодекси мамлакатимизда бунёд этилаётган чинакам ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти, инсон манфаатлари йўлида хизмат қилмоғи лозим.

Оила кодекси яна қуйидаги вазифаларни ўз олдига қўйди:

- халқаро ҳуқуқий қоидаларга асосланиб, тегишли миллий қонунлар ёрдамида оилани мустаҳкамлаш, болалар манфаатини ҳимоя қилиш;

- умуминсоний ва миллий кадрятлар асосида оилаларнинг барқарорлигини таъминлаш тизимини барпо этиш;

- мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳозирги ғоят мураккаб даврида оилага бўлган эътиборни кучайтириш;

- хонадоннинг серфайзлиги, оила ҳаётининг равнақи, маънавиятининг юксалиши, турмушининг фаровонлиги асосан аёлларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам аёлларнинг оиладаги мавқеига, ҳуқуқий ҳолатига алоҳида эътибор бериш керак. Бунда ҳар бир оиланинг ўзига хос хусусиятини, миллатимизнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиш лозим;

- соғлом авлодни вужудга келтиришда миллий кадрятларимизга, халқимизнинг азалий анъаналарига, исломий ахлоқий-маънавий ақидаларга амал қилган ҳолда иш юритиш жоиздир;

- бўлажак оналарни тарбиялашда миллий мафкура, урф-одат ва анъаналарни кенгроқ қўллаш мақсадга мувофиқ;

- соғлом авлод ҳақида бола туғилмасдан олдин ғамхўрлик қилиш лозим;

- оила қонунларида белгиланган никоҳга ўтиш тартиби ва шартларини, оилада эр-хотин, ота-оналар билан болалар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкӣ муносабатларни, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, болани тарбияга олиш туфайли келиб чиқадиган ҳуқуқӣ муносабатларни тартибга солишга эътиборни қаратиши;

- оила тўғрисидаги қонун ёш оилаларнинг бузилаётганлиги, тирик етимлар кўпаяётгани, айрим қиз-жувонларимизнинг ўз жонига қасд қилаётгани, нопок йўлга қираётгани сингари салбий ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилиши керак эди.

Янги кодексни тайёрлашда, унга айрим ҳуқуқӣ нормаларни киритишда қуйидаги назарий қоидаларга асосланилди:

- оила ҳуқуқига хос демократик асосларга тобора қатъий амал қилиш;

- аёллар ва эркакларнинг оилада тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш;

- оилавий ҳуқуқӣ муносабатларда иштирок этувчи субъектларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари суд томонидан ҳимоя қилинишини янада кенгайтириш;

- оталик, оналик ва болалик ҳуқуқларининг, оилавий ҳуқуқнинг тартибга солинишини такомиллаштириш;

- оила аъзоларининг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада тўла ва аниқ белгилаш;

- оила ҳуқуқӣ нормалари фақат қатта ёшдаги шахсларгагина эмас, балки кичик ёшдаги оила аъзоларига ҳам тарбиявий таъсир кўрсатишини таъминлаш;

- оила қонунларида миллий ва маънавий қадриятларга, маҳаллий шароитдан келиб чиқадиган энг яхши удум ва анъаналарга алоҳида эътибор бериш ва бошқалар.

Шунингдек, Кодексга бажариладиган иш тартиб қоидаларини соддалаштириш бўйича ўзгаришлар киритилди;

Кодексдаги ҳар бир мавзудаги янги ҳуқуқий қоидалар, уларнинг қонунчиликка кириб келиш сабабларини дарсликда батафсил ёритишга ҳаракат қилинди.

Қонун қабул қилингани ҳамма масала ҳал бўлди, дегани эмас. Қонун қабул қилинишини биринчи қадам деб тушунмоқ керак. Иккинчи, яъни асосий ҳамда амалий қадам фуқароларнинг ўзларига боғлиқ: ҳар қандай қонун эҳтиёжга айлангандагина тўлиқ амал қила бошлайди. Бунинг учун, табиийки, оила аъзолари уларни ўқиб, ўрганмоқлари ва амал қилмоқлари керак.

**Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома.** Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 31 декабрдаги 400-мх-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига мувофиқ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартибини белгилайди.

**Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари.** Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори билан тасдиқланган бўлиб, у фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари томонидан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибини белгилайди.

**Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисида Низом.** Низом 2 бўлимдан иборат. Биринчи бўлим «Вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш» деб номланиб, у 1. Умумий қоидалар – 1-4 бандлар, 2. Фарзандликка олиниши лозим бўлган болаларни ва уларни фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларни ҳисобга олиш – 5-11 бандлар, 3. Фарзандликка олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар – 12-14 бандлар, 4. Фарзандликка олиш ҳақида ҳокимга тақдим этадиган тавсияномаларнинг тайёрланиши – 15-банд 4 параграфдан иборат. 5. Фарзандликка олишни расмийлаштириш ва уни сир сақлаш – 16-18 бандлар. 6. Фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари – 19-20 бандлар. 7. Фарзандликка олишни бекор қилиш учун асослар ва унинг оқибатлари – 21-25 бандлар. 8. Фарзандликка олинганларнинг шахсий ҳужжатларини сақлаш тартиби – 26 банд. 9. Чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар



томонидан болаларни фарзандликка олиш – 27-29 бандлар. Иккинчи бўлим «Болаларни оилага тарбияга олиш (патронат деб номланиб, 1. Умумий қоидалар – 1-3 бандлар. 2. Оилага тарбияга бериладиган болаларни ва тутинган ота-оналарни ҳисобга олиш – 4-7 бандлар. 3. Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув – 8-10 бандлар. 4. Тарбияга берилган болаларнинг моддий таъминоти – 11-12 бандлар. 5. Болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги келишувнинг бекор қилиниши – 13-14 бандлар. 6. Оилага тарбияга олинган болаларнинг ҳуқуқлари – 15-17 бандлар. 7. Тутинган ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари – 18-20 бандлар.

***Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисида қоидалар.*** Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида» 2000 йил 26 сентябрда қарор қабул қилди.

Унда вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, бу йўналишда масъул бўлган давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш мақсадидаги масалалар ўз ифодасини топди.

Ушбу қарорга биноан вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳақидаги Низом ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия таркиби тасдиқланди.

Бу комиссия ҳар ярим йилда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқий-тарбиявий ишларнинг аҳволини муҳофаза этиб, бу борада мутасадди идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб боради.

***Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг оила ҳуқуқи масалалари бўйича қарорлари.*** Оила ҳуқуқи қоидаларини тўғри татбиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг дастурий кўргазмалари катта аҳамиятга эга. Чунки юридик фанлари докторлари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан армавулари, профессорлар Ф. Абдумажидов, Г. П. Сарқисянц жуда тўғри таъкидлаб ўтганларидек, Пленум ... Оила кодексининг айрим моддаларини судларга тушунтириш билан бирга, никоҳга ўтиш ва никоҳни бекор қилиш, нафақа ундириш, оталикни белгилаш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бошқа масалалар бўйича ҳам дастурий тушунтиришлар берди<sup>8</sup>.

Республика Олий суди Пленуми қарорлари ичида оила ишлари бўйича суд тажрибасига тааллуқли бўлган «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида» 1998 йил 11 сентябрдаги 23 сонли қарори<sup>9</sup>, «Судлар томонидан

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг Олий суди. -Т.: "Ўзбекистон", 1994й. 164 бет.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998. икки жилдли. 2-жилд. Т.: 1999, 110-127 бетлар.

никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида 1998 йил 11 сентябрдаги 22-сонли қарори<sup>10</sup>, «Оталикни белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда судлар томонидан қонунларнинг татбиқ этилиши тўғрисида» 2001 йил 1 июндаги қарори бор<sup>11</sup>.

### **Назорат саволлари:**

1. Ҳуқуқий тизмлардан келиб чиқиб оила ҳуқуқига таъриф беринг.
2. Ўзбекистон Республикаси оила ҳуқуқи принципларини таҳлил қилинг.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленум қарори оила ҳуқуқининг манбаи бўладими?
4. Оила ҳуқуқи манбаларини квалификация қилинг.

---

<sup>10</sup> Юқоридаги асар. 127-148 бетлар.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди. Т.: 2001 йил, 30-37 бетлар.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машғулот. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар, рухсат бериш тартиб-таомиллари**

#### **1-топширик**

“Файз” МЧЖ (дастлабки кредитор), “Само” хусусий корхонаси (янги кредитор) ва “Илҳом” АЖ (қарздор) ўртасида 2016 йил 15 апрелда талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисидаги воз кечиш тўғрисида шартнома тузилган, унга кўра “Илҳом” АЖ мажбурият асосида ўзига тегишли бўлган талаб қилиш ҳуқуқини “Само” хусусий корхонасига ўтказиши, “Само” хусусий корхонаси эса ушбу талаб қилиш ҳуқуқини қабул қилиб олиши ҳамда “Файз” МЧЖ ва “Илҳом” АЖ ўртасида 2015 йил 13 ноябрда тузилган.

2015/20-сонли асосий шартнома бўйича янги кредитор бўлиши белгиланган.

Шунингдек, 2014 йил 10 декабрда тузилган 67-сонли олди-сотди шартномасига асосан “Файз” (сотиб олувчи) олинган маҳсулот учун “Илҳом” АЖ (етказиб берувчи)дан 100 млн (100 000 000) сўм қарздор бўлган. Ушбу олди сотди-шартномасига асосан мавжуд 100 млн (100 000 000) сўм қарздолликни ҳисоб-китоб қилиш мақсадида, “Файз” МЧЖ ва “Илҳом” АЖ ўртасида 2015 йил 13 ноябрда тузилган 2015/20-сонли асосий шартнома бўйича “Файз” МЧЖ, “Само” хусусий корхонаси ва “Илҳом” АЖ ўртасида 2016 йил 15 апрелда талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисида шартнома тузилган.

Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган режадан ташқари текшурув натижасида “Файз” МЧЖ, “Само” хусусий корхонаси ва “Илҳом” АЖ ўртасида тузилган шартномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилган.

#### **Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.**

#### **2-топширик**

“Асака” банк ва “Ҳосилот” МЧЖ ўртасида 2018 йил 14 апрелда тузилган 827-сон автокредит шартномасига асосан, банк масъулияти чекланган жамиятга кредит маблағларини берган.

Кредит маблағларининг қайтарилиши таъминоти сифатида банк ва МЧЖ нотариал тартибда тузилган гаров шартномасига асосан масъулияти чекланган жамиятга тегишли автомашиналар гаровга қўйилган ва ҳар бир автомашинанинг келишилган (бошланғич сотув) баҳоси 47 500 000 сўм миқдорида белгиланган.

Шунингдек, банк, масъулияти чекланган жамияти ва суғурта компанияси ўртасида гаровга қўйилаётган транспорт воситаларини суғурталаш бўйича тузилган суғурта шартномаси шартларига кўра, суғурта компанияси белгиланган муддатга қадар масъулияти чекланган жамиятига тегишли гаровдаги автомашиналарга йўл-транспорт ҳодисаси, ёнгин, портлаш, транспорт воситасига предметларнинг тушиб кетиши, табиий офатлар, учинчи шахслар ноқонуний ҳаракатлари билан ифодаланган суғурта ҳодисалари натижасида юзага келган зарарни шартномада назарда тутилган шартларда масъулияти чекланган жамияти ёки банк (бенифициар)га қоплаш мажбуриятини, масъулияти чекланган жамияти эса, суғурта мукофотини тўлиқ ва ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олган ҳамда суғурта қиймати 95 000 000 сўм миқдорида белгиланган.

Фуқаро И. Хотамов масъулияти чекланган жамиятининг йўл варақаси асосида ўз бошқарувида бўлган, масъулияти чекланган жамиятига тегишли автотранспорт воситаси билан йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган. “Мулк баҳолаш” масъулияти чекланган жамиятининг хулосасига кўра, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида автотранспортга 22 000 000 сўм миқдорида шикаст етказилганлиги аниқланган. Шу сабабли масъулияти чекланган жамияти суғурта товонини ундириш юзасидан судга мурожаат қилган.

**Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.**

**2-амалий машғулот. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш, рақобат ва монополия, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**1-топширик**

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилган А.Салимов адвокатга мурожаат қилиб, ундан давлат органлари тадбиркорларни қай тартибда текширилиши, текшириш даврида қайси қонун ҳужжатларига асосан текширув ўтказилишини ҳақида ҳуқуқий маслаҳат беришни сўради. Шунингдек, А.Салимов текшириш, тафтиш ва назорат тартибида текшириш ҳақида ҳам тасаввурлари мавжуд эмаслигини айтди.

**Адвокат сифатида унга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?**

**2-топширик**

Навоий вилоят статистика бошқармаси “Сардор” МЧЖнинг фаолиятига текшириш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда МЧЖ уч йил давомида амалга оширилган фаолият бўйича статистик маълумотларни бошқармаган тақдим қилмаганлиги, шунингдек корхонанинг устави ва бошқа таъсиси ҳужжатлари, ходимлар штатлар жадвали берилганлиги кўрсатилган эди. “Сардор” МЧЖ раҳбари текширув ноқонуний эканлигини, ўзи қонунга риоя қилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришини, бу ҳаракатни хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик принципига зидлигини таъкидлади. Тадбиркорнинг қаршилигига қарамасдан статистика органлари томонидан текширув ўтказилиб, жарима қўллаш ҳақида қарорга келинди.

**Тадбиркор ва давлат органлари вакили нуктаи назаридан вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.**

### **3-амалий машғулот. Банкротликни ҳуқуқий тартибга солиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатишнинг ҳуқуқий асослари**

#### **1-топширик**

Фуқаро Эгамов ёш тадбиркорлардан бири. У Ўзбекистондаги энг йирик ва молиявий жиҳатдан анча барқарор бўлган “Парвина банк”нинг омонат жамғармасига 50 000 000 сўм пул маблағларини омонатга қўйган эди. Бироқ вақт ўтиши билан ушбу банкнинг молиявий аҳволи оғирлашиб борди. Натижада Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунининг 53-моддаси ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига асосан, амалдаги банк қонунчилиги талабларини бузганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Парвина банк” тижорат банкдан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни чақириб олди.

Тадбиркор Эгамов сиздан юридик ёрдам олиш учун мурожаат қилиб, унинг омонатга қўйган маблағларининг тақдири нима кечиши, қандай қилиб ўз омонатини қайтариб олиши, унинг тартиби ва асослари, шунингдек банкнинг тугатиш тартиби ва бунда омонатчилар ҳуқуқларининг кафолатлари бўйича ҳуқуқий маслаҳат сўради.

*Вазиятни қонун ҳужжатлари асосида таҳлил қилинг.*

#### **2-топширик**

Аввалги қилмиши туфайли халқаро жиноят содир этган ва ҳозирги вақтда жазодан озод этилган АҚШ фуқароси бўлган ишбилармон ўз компанияси, яъни мобил телефонлар ишлаб чиқарувчи “Technology” компанияси орқали ўз филиалини Ўзбекистон Республикасида очишни мақсад қилиб қўйди. Шу аснода ушбу ишбилармон томонидан инвестиция киритиш истаги ҳам борлиги унинг ўз филиалини очётган вақтда маълум қилинди. Ўз маҳсулотларини сотиш ва уларни ишлаб чиқариш сифатида Жиззах вилоятида очишни режалаштирди ҳамда инвестиция сифатида 50 млн. АҚШ долларлик инвестицион келишувни тузиш ва энергия ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган АЭС қуришни билдириб ўтди. Аммо, рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ушбу инвестиция битими тузилиши рад этилди.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **4-амалий машғулот. Никоҳ тузиш, бекор қилиш ва уни ҳақиқий эмас деб топиш асослари**

##### **1-топширик**

Гулнора Ражапова турмушга чиққунига қадар оғир жарроҳлик операциясини бошидан ўтказди ва шифокорларнинг тиббий хулосасига кўра у келажакда фарзанд кўра олмаслиги аниқланади. Камолов Яшар билан никоҳ муносабатига киришиб, Ражапова ўзининг фарзанд кўра олмаслигини яширади, лекин Камолов Яшар эса келажакда фарзандлари бўлишини хоҳлар эди.

Уларнинг никоҳлари қайд этиб ўтилганидан бир неча ой ўтганидан сўнг Камолов Яшар хотинининг фарзанд кўра олмаслигини билиб қолади ва ФХДЁ органларини назорат қилувчи юқори органга туман ФХДЁ бўлими мудирининг устидан шикоят ёзмокчи эканлигини, чунки уларнинг никоҳини қайд этган ФХДЁ бўлими мудирининг фикрича, ўз вазифасини бажармай Ражапова Гулноранинг саломатлиги хусусида бўлажак эрини оғоҳлантирмаган.

**Камолов Яшарнинг арзи ўринлими? Ражапова Гулнора ва Камолов Яшар ўрталаридаги никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос борми?**

##### **2-топширик**

Эмансипация ҳолатида бўлган Норова Зулфия Ашуров Нодир билан биргаликда никоҳ тузишлари ҳақида келишиб оладилар. Лекин қизнинг онаси Норова қизининг ҳали вояга етмаганлиги, тўла муомала лаёқатига эга эмаслигини важ қилиб, уларнинг никоҳ тузишларига розилик бермайди. Шундай бўлса-да, Норова ва Ашуров ФХДЁ органига ариза билан мурожаат қилиб, ўзларининг никоҳларини қайд эттирадилар. Бунга норози бўлган Зулфиянинг онаси судга мурожаат қилиб, қизининг никоҳини ҳақиқий эмас деб топишни ва фарзандини Ашуров билан бўлган никоҳидан ажратишларини сўрайди.

**Ушбу ҳолат бўйича фуқаролик ишлари бўйича туман суди судьяси қандай қарор чиқариши лозим? Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун қандай асослар мавжуд бўлиши керак? Онанинг аризаси қаноатлантириладими?**

## **5-амалий машғулот. Ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, алимент масалалари**

### **1-топширик**

Судга даъвогар А.Суюнов даъво ариза билан мурожаат қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманлараро судининг 2012 йил 18 апрелдаги суд буйруғига асосан ундан ундирувчи Р.И.Бозорованинг фойдасига икки нафар 2007 йил 3 май куни туғилган Отамуродов Абдиазиз Абдуғаффор ўғли ва 2003 йил 13 октябрь куни туғилган Отамуродов Фахриддин Абдуғаффор ўғли исмли фарзандлари таъминоти учун 2012 йил 16 январь кунидан бошлаб алимент ундириш белгиланганлиги ва ундан ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг учдан бир қисми миқдорида алимент ундирилаётганлиги, бундан ташқари фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2013 йил 9 апрель кунги суд буйруғига асосан ундан ундирувчи М.Ф.Каримованинг фойдасига икки нафар 2010 йил 16 апрель куни туғилган Суюнов Зухриддин Абдуғаффор ўғли ва Суюнов Жалолиддин Абдуғаффор ўғли исмли фарзандлари таъминоти учун ундан ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг учдан бир қисми миқдорида 2013 йил 9 апрелдан бошлаб алимент ундириш белгиланганлиги, ҳозирги кунда барча алиментларни тўлаб келаётганлигини, ойлиги камлиги сабабли тўлашга қийналиб яшаётганлиги ҳақида кўрсатма бериб, даъвосини қаноатлантиришни, **алимент ундириш миқдорини камайтириб**, алимент миқдорини ойлик иш ҳаққини иккидан бир қисмида белгилашни сўраган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **2-топширик**

Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигидан келиб чиқиб алимент турларини таснифланг, яъни уларни гуруҳларга бирлаштиринг.

**Бунда алиментларни таснифлаш мезонлари тингловчи томонидан мустақил танланади.**



**6-амалий машғулот. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш масалалари соҳасига оид қонунчиликдаги сўнги ислоҳот ва илмий изланишлар**

**1-топширик**

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш масалалари соҳасига оид қандай мавзуларда илмий изланишлар олиб бориш бугунги кунда долзарб ҳисобланади

**Топширик шarti:** бунда ҳар бир тингловчи долзарб бўлган учта мавзу танлаш ва ушбу мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб бориш нима учун долзарблиги асослаш ҳамда ушбу тадқиқотдан кутилаётган натижа нимадан иборатлигини кўрсатиб бериш лозим.

**2-топширик**

Эрматов ва Бобоевалар ФХДЁ органига уларнинг никоҳини қайд этишларини сўраб мурожаат қиладилар. Шундан бир неча кун ўтганидан сўнг, ФХДЁ бўлими мудирига Эрматов ва Бобоеваларнинг никоҳга кириш учун ариза берганликларинидан хабар топган Миробидова уларнинг никоҳини расмийлаштирмасликларини, чунки Миробидова Мавжуда бир неча йилдан бери Эрматов билан бирга яшаётганлигини, ушбу давр ичида улар ўртасида ҳеч қандай низо йўқлиги, улар ўртасида 5 ёшли ўғиллари борлигини, лекин улар қонуний никоҳда эмасликларини билдиради. Эрматов ўзини ўғлининг отаси эканлигини тан олганлигини Миробидова таъкидлаб ўтади.

**ФХДЁ бўлими мудираси Миробидовага қандай тушунтириш бериши лозим? ФХДЁ органи Эрматов ва Бобоеваларнинг никоҳини расмийлаштирмасликка ҳақлими?**

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Амалий йўналтирилган, кўникма ва малакаларни мустаҳкамловчи услублар ўз хусусиятларига кўра инновацион ҳисобланади. Уларга: ташкилий-фаолиятли ўйинлар (ТФЎ), ишчан ва ролли ўйинлар, персоналларнинг мулоқоти, ижодий ишлар, психотехника, ролли тренинг, “Case-study” ва бошқалар киради. “Case-study” – турли вазиятларнинг тавсифидан, яъни кейслардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда аниқ кўникмаларни шакллантириш техникасидир

*Кейс* — бирор ташкилотдаги қандайдир аниқ реал вазиятнинг ёзма тавсифидир. Ундан фойдаланиш мобайнида ўқувчилардан вазиятни таҳлил қилиш, муаммонинг моҳиятини кўриб чиқиш, мумкин бўлган вариантларни таклиф этиш ва улардан энг мақбулини танлаш сўралади.

Ихтиёрий *кейс* ўқитувчига, уни таълим жараёнининг ихтиёрий босқичларида, жумладан, ўқитиш ва унинг натижаларини назорат қилиш мобайнида фойдаланиш *имкониятини* беради.

### 1-масала

“Sleepy” АЖ жамиятнинг акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан устав фондини 15 фоизга кўпайтириш тўғрисида кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилинди. Аммо бу қарордан норози бўлган имтиёзли акциялар эгалари ушбу масала жамият умумий йиғилишида барча акциядорлар иштирокида, шу жумладан, имтиёзли акциядорлар овоз бериш ҳуқуқи асосида ҳал қилиниши лозимлигини қайд этишди. Ушбу қарорни бекор қилиш учун имтиёзли акциялар эгаси иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилишди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

## 2-масала

“Epsilon” АЖ директори хизмат сафаридалигида унинг шартномалар тузишга ишончномаси бўлган ўринбосари мустақил равишда, кузатув кенгаши билан келишмасдан 100 млн. сўмлик қурилиш ишларини бажаришга “Betrak” МЧЖ билан шартномани имзолади, ўринбосар “Betrak” МЧЖнинг устав фондида 22 фоизлик улушга эга. “Betrak” МЧЖнинг ҳисоб-китоб рақамига 15 млн сўм бўнак ўтказилди.

Сафардан қайтгач, раҳбар пудрат шартномасини бекор қилишни талаб қилди, чунки унда пудрат ишлари суммаси ошириб юборилган эди. “Betrak” МЧЖга бир неча бор хат ёзилди. Бироқ “Betrak” МЧЖ раҳбарияти шартномани бекор қилишдан бош тортди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

## 3-масала

“Треклизинг” АЖ ва “Парвон” фермер хўжалиги ўртасида 2014 йил 12 июнда лизинг шартномаси тузилган. Мазкур шартномага асосан “Треклизинг” АЖ (лизингга берувчи) “Парвон” фермер хўжалиги (лизингга олувчи)нинг топшириғига биноан “Бернард” МЧЖ (сотувчи)дан 1 дона ТТЗ–80.11-русумли тракторни сотиб олиб уни 5 йил муддатга лизинг олувчига лизингга бериши, лизингга олувчи эса трактор учун олдиндан унинг баҳосини 15 фоизи миқдорида аванс тўлаб бериши, шунингдек лизинг тўловларининг қолган қисмини тўлов жадвали асосида тўлаб бориши белгиланган. 2014 йил 15 июнда “Треклизинг” АЖ ва “Бернард” МЧЖ ўртасида олди-сотди шартномаси тузилиб, унга кўра “Бернард” МЧЖ 1 дона ТТЗ–80.11-русумли тракторни 24 000000 сўмга “Треклизинг” АЖга бериш, “Треклизинг” АЖ эса трактор ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини олган.

Олди-сотди шартномасининг 5.3-бандида трактор қийматининг 15 фоизи олдиндан тўланиши, тўловнинг қолган қисми 90 кун ичида амалга оширилиши белгиланган. Шартноманинг 4.1-бандида лизинг объекти шартнома тузилган кундан бошлаб 30 кун муддат ичида сотувчи омборида топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан лизинг берувчи томонидан лизинг олувчига топширилиши белгиланган.

Бироқ шартномада белгиланган муддат ичида лизинг объекти лизинг олувчига топширилмаган. 2014 йил 2 сентябрда сотувчи омборида ёнғин юзага келиши натижасида лизинг объекти ёниб кетган. Сотувчи олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда лизинг объекти олиб кетилмаганлиги сабабли трактор учун амалга оширилмасдан қолган 22 400000 сўмни лизингга берувчи ва лизингга олувчидан солидар тартибда ундиришни сўраган.

#### **4-масала**

“Замин” Агрофирмаси ва кўп тармоқли “Асадбек” фермер хўжалиги ўртасида тузилган шартномага кўра, “Замин” Агро фирмаси 2018 йил 20 февраль кунида тирик вазни 5 тоннага тенг бўлган, гўшти истемол қилишга мўлжалланган зотдор парранда етказиб мажбуриятини олади. Шартнома маҳсулотларни етказиб бериш жойи сифатида “Замин” Агро фирмасига қарашли Қибрай тумани “Байтқўрғон маҳалласида Қумқўрғон кўчаси 5-уй манзилидаги паррандачилик фабрикаси белгинади.

2018 йил 19 февраль куни “Замин” Агрофирмаси “Асадбек” фермер хўжалигини маҳсулотларни шартнома белгиланган куни олиб кетиш мумкинлиги хусусида хабардор қилди. Бироқ “Асадбек” фермер хўжалиги 29 феврал куни келиб, шартнома назарда тutilган маҳсулотни талаб қилади. “Замин” Агрофирмаси маҳсулотларни ўз вақтида олиб кетмаганлиги, уларни яна сақлаш ортиқча харажат талаб қилиши, “Асадбек” фермер хўжалигининг шартномада белгиланган муддатда олиб кетмаганлиги, унинг сотиб олиш хоҳиши йўқ деб ҳисоблашига сабаб

бўлганлиги ва ж қилиб кўрсатиб, бошқа шахсга сотиб юборганлигин маълум қилади.

### **5-масала**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган 2015 йил 14 июндаги лицензияга асосан “ESSA” МЧЖга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат этилган.

2019 йил 15 сентябрда Молия вазирлиги томонидан ўтказилган текширув натижасида “ESSA” МЧЖнинг икки нафар аудиторининг аудитор малака сертификатларининг амал қилиш муддати 2019 йил 4 августда тугаганидан кейин аудиторлик ташкилотининг бирорта аудиторга эга эмас бўлиб қолганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “ESSA” МЧЖга берилган лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраб судга мурожаат қилган.

### **6-масала**

Янги ташкил этилаётган “Замон” хусусий акциядорлик тижорат банки лицензия олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка тегишли тартибда ариза ва таъсис ҳужжатларини тақдим этди. Марказий банк ушбу тижорат банкнинг таъсис ҳужжатларини ўрганиб, олти ой муддатга тахминий рухсатнома берди. Шу муддат давомида хусусий акциядорлик тижорат банки устав капиталининг энг кам миқдорини шакллантира олмади. Муддат тугагач, мазкур банк Марказий банкка лицензия беришини сўраб ҳамда устав капиталининг энг кам миқдорини лицензия олгандан сўнг икки ой давомида шакллантириши ҳақида мурожаат қилди.

## 7-масала

“Nation Gaz” МЧЖ нефт газ маҳсулотларини реализация қилиш фолияти билан шуғулланади. Ваколатли органлар томонидан МЧЖ фаолиятида мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши юзасидан текшириш ўтказилганида 2019 йилда 1 мартада сертификатланиши лозим бўлган лекин сертификатланмаган газ маҳсулотини реализация қилиш ҳолати аниқланган.

Текширишда масъулияти чекланган жамият томонидан 2017 йилнинг 19 июлидан 1 октябрга қадар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, аммо сертификатланмаган 154,2 миллион сўмлик 519,9 минг м<sup>3</sup> сиқилган табиий газ маҳсулоти сотилганлиги аниқланган ва бу ҳолат юзасидан 2019 йил 1 мартда тегишли далолатнома тузилган.

Мазкур текшириш натижалари бўйича вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг 2019 йил 10 апрелдаги қарори билан масъулияти чекланган жамиятга нисбатан 154,2 миллион сўм молиявий жарима ҳисобланган ва жарима суммасини ўн кун муддатда ихтиёрий равишда тўлаб бериш тўғрисида масъулияти чекланган жамиятга талабнома берилган.

Бироқ, масъулияти чекланган жамият томонидан ушбу молиявий жарима суммаси ихтиёрий равишда тўлаб берилмаганлиги сабабли ариза -вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси жавобгар – масъулияти чекланган жамиятга нисбатан 154,2 миллион сўм миқдорда молиявий санкция қўллашни ва ундиришни сўраб иқтисодий судига ариза берган.

“Nation Gaz” МЧЖ эса корхонага қўйилган жарима қонун ҳужжатларига номувофиқ эканлигини вақт келиб жарима тўлашдан бош тортмоқда.

**Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.**

## 8-масала

Солиқ тўловчи “А” МЧЖ солиқ тўлашни кечиктиришни сўраб солиқ органига ариза билан мурожаат қилди. Кейин аниқ бўлдики, ушбу шахс икки йил олдин ҳам солиқ тўлашни кечиктиришни сўраган ва кечиктириш билан боғлиқ қоидаларни бузган. Бироқ, солиқ тўловчи табиий офат туфайли катта зарар кўрганлигини айтиб, яқин йилларда солиқ тўлай олмаслигини билдиради. Солиқ органи солиқ тўловчининг банкига мурожаат қилиб, ундан барча ҳисоб рақамлари ҳақидаги маълумотларни тақдим қилишни сўрайди. Банк 5 кун муддат ичида ушбу маълумотларни беради. Шуларни ўрганган ҳолда, мурожаат қаноатлантирилиб, уч йилга солиқ қарзларини тўлаш кечиктирилади. Бир йилдан кейин ушбу шахсга

нисбатан солиқ аудити жорий қилинади. Шахс барча ҳужжатлар учинчи шахсда эканлигини айтади. Учинчи шахс солиқ тўловчи “А”нинг ҳисоб ҳужжатларини тақдим қилишни рад қилади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

### **9-масала**

Россия Федерациясининг “EUROPE CHEMICAL FERTILIZER” корхонаси томонидан кимёвий ўғитлар ишлаб чиқариш учун инвестиция шартнома лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига таклиф этган. Мазкур шартнома лойиҳасини текшириш давомида Адлия вазирлигининг хулосаси олинмаганлиги аниқланди. Шунингдек, ушбу шартномани амалга ошириш ва уни ҳар томонлама ўрганишда солиқ органларидан хулоса, шартноманинг манбаи бўйича қўшимча материаллар талаб этилди ва лойиҳа корхонага қайтариб берилди. Аммо ушбу корхона томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига 2-ИЛОВА “Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида” ги Низомга кўра фақат хулосалар бериши лозимлиги, шунингдек, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра “қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади”, деб асос келтиради.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

### **10-масала**

Ҳиндистон Республикаси фуқароси Жону Дилагар никоҳдан ажралиш, болани олиш, мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво талаби билан хотини Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ва Ҳиндистон Республикаси фуқаролигини олган, ҳозирда Чилонзор тумани Ц-15 мавзесида вақтинча яшаётган жавобгар Дилу Дилагарга нисбатан Чилонзор туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилади. Даъво аризасида кўрсатилишича, ҳозирда хотини билан ажрашмоқчи эканлигини, ораларида

икки нафар фарзандлари борлигини, хотини яшаб турган уйни ҳам ўзи олиб берганлигини, фақат уни Тошкент шаҳрида яшовчи синглиси Мамедова Ф. номига расмийлаштирилганлигини, суд орқали болаларини ҳам олиб кетмоқчи эканлигини, уйни ҳам сотмоқчилигини, вақти-вақти билан тижорат мақсадида Тошкентга келганида болаларини онасига кўрсатиб туришлигини, лекин ўзи Тошкентда бутунлай яшай олмаслигини, чунки у Ҳиндистон фуқароси эканлигини, у ерда ота-онасига қараш кераклигини кўрсатиб ўтади.

Савол: хорижий мамлакатлар қонунчилигининг Ўзбекистон Республикаси судларида оила масалалари бўйича тадбиқ қилишини шарҳланг.

### 11-масала

Толипова содир этган жинояти учун 5 йил озодликдан маҳрум қилинган эри Толипов билан никоҳдан ажратилиш тўғрисида ФХДЁга ариза беради. Аризага илова қилиб Толиповнинг озодликдан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳукмидан кўчирмани ҳам келтиради. Толипова ФХДЁ ходимларига Оила кодексининг 43-моддасини рўқач қилиб “ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар” уни никоҳдан ажратиб беришларини сўрайди. Бироқ ФХДЁ ходими Оила кодексининг 219-моддасида келтирилган “болалар ва мол-мулк хусусида эрида низоси” йўқлиги ҳақидаги тилхатни ола келишни сўрайдилар. ФХДЁ органининг бу ҳаракати асослими?

Агар аёл тилхатни ололмаса, масала қандай ҳал қилинади? ( бунинг алоҳида тартибини билиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 12-апрельдаги Қарорига (иловасига) мурожаат этинг ва бутун процедурани тушунтиринг).

Оиланинг, оналик, оталик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши: миллий ва хорижий тажриба хусусида мулоҳаза юритинг. Мулоҳазангизни ушбу масала билан ҳам кўриб чиқинг.



## 12-масала

Бўлажак эр-хотинлар Аҳроров ва Янгибоевалар Юнусобод тумани 1-сонли ФХДЁ органига никоҳларини расмийлаштиришни сўраб ариза билан мурожаат қиладилар. Улар ўзларининг аризаларида Аҳроров ва Янгибоевалар фамилиясини умумий фамилия қилиб қолдиришларини сўраганларида, ФХДЁ мудираси уларга фақатгина битта фамилияни умумий фамилия қилиб танлаш ёки ҳар бири ўзининг турмушга қадар бўлган фамилиясини қолиши мумкинлигини тушунтирганда, улар ўз эътирозларини билдириб, ФХДЁ бўлими мудираси устидан шикоят қилишларини маълум қиладилар.

Айтингчи, Оила ҳуқуқида никоҳ муносабатларига киришаётган шахсларга иккита фамилияни умумий фамилия қилиб танлаш ҳуқуқи бериладими? Аҳроров ва Янгибоеваларнинг эътирозлари асослими?

## 13-масала

Эмансипация ҳолатида бўлган Норова Зулфия Ашуров Нодир билан биргаликда никоҳ тузишлари ҳақида келишиб оладилар. Лекин қизнинг онаси Норова қизининг ҳали вояга етмаганлиги, тўла муомала лаёқатига эга эмаслигини важ қилиб, уларнинг никоҳ тузишларига розилик бермайди. Шундай бўлса-да, Норова ва Ашуров ФХДЁ органига ариза билан мурожаат қилиб, ўзларининг никоҳларини қайд эттирадилар. Бунга норози бўлган Зулфиянинг онаси судга мурожаат қилиб, қизининг никоҳини ҳақиқий эмас деб топишни ва фарзандини Ашуров билан бўлган никоҳдан ажратишларини сўрайди.

Ушбу ҳолат бўйича фуқаролик ишлари бўйича туман суди судьяси қандай қарор чиқариши лозим? Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун қандай асослар мавжуд бўлиши керак? Онанинг аризаси қаноатлантириладими?

#### 14-масала

Мирзо Улуғбек тумани ФХДЁ бўлимига 15 ёшга тўлган Иқболова ноқонуний туғилган фарзандига туғилганлик ҳақида гувоҳнома берилишини сўраб мурожаат қилди. ФХДЁ бўлими мудираси Иқболованинг ҳали тўла муомала лаёқатига эга эмаслигини инобатга олиб, ота-онасидан набираларининг туғилганлигини давлат рўйхатидан ўтказишга розиликлари ҳамда уни тарбиялашда иштирок этиб, моддий жиҳатдан таъминлашлари хусусида ёзма розилик беришлари кераклигини уқтиради.

Иқболованинг ота-онаси бунга эътироз билдириб, қизларининг қилган ҳатти-ҳаракатлари устидан норози эканликларини билдирадилар ва ҳеч қандай моддий ва маънавий ёрдам бера олмасликларини билдирадилар.

ФХДЁ бўлими мудирасининг талаблари ўринлими? Вояга етмаган ота-онанинг болага нисбатан қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд?

#### 15-масала

Мирзо Улуғбек тумани ФХДЁ бўлимига 15 ёшга тўлган Иқболова ноқонуний туғилган фарзандига туғилганлик ҳақида гувоҳнома берилишини сўраб мурожаат қилди. ФХДЁ бўлими мудираси Иқболованинг ҳали тўла муомала лаёқатига эга эмаслигини инобатга олиб, ота-онасидан набираларини туғилганлигини давлат рўйхатидан ўтказишга розиликлари ҳамда уни тарбиялашда иштирок этиб, моддий жиҳатдан таъминлашлари хусусида ёзма розилик беришлари кераклигини уқтиради.

Иқболованинг ота-онаси бунга эътироз билдириб, қизларининг қилган ҳатти-ҳаракатлари устидан норози эканликларини билдирадилар ва ҳеч қандай моддий ва маънавий ёрдам бера олмасликларини билдирадилар.

ФХДЁ бўлими мудирасининг талаблари ўринлими? Вояга етмаган ота-онанинг болага нисбатан қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд?

## VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектлари</b>	белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар	legal entities and individuals who are duly registered and engaged in business activities
<b>Тадбиркорлик фаолияти</b>	(тадбиркорлик) тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятidir. Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш рўйхатдан ўтказувчи органнинг тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтказиш маълумотларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига киритиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари	(entrepreneurship) is an entrepreneurial activity carried out by business entities in accordance with the legislation, aimed at obtaining income (profit) at their own risk and under their own property liability. State registration of a business entity - registration actions of business entities related to the inclusion of registration data in the Unified State Register of Entrepreneurs in the manner prescribed by law
<b>Тижоратчи бўлмаган ташкилот</b>	фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот юридик шахс	an organization that does not make such a profit is a legal entity
<b>Тижоратчи ташкилот</b>	фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган юридик шахс	a legal entity whose main purpose is to make a profit

<p align="center"><b>Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари</b></p>	<p>улушларга (кўшилган ҳиссаларга) ёки муассисларнинг (иштирокчиларнинг) акцияларига бўлинган устав фонди (устав капитали) га эга бўлган тижоратчи ташкилотлар</p>	<p>commercial organizations that have a charter fund (charter capital) divided into shares (contributions) or shares of the founders (participants)</p>
<p align="center"><b>Хусусий корхона</b></p>	<p>мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот</p>	<p>a commercial organization created and managed by a single individual owner</p>
<p align="center"><b>Юридик шахс</b></p>	<p>ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулккий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот</p>	<p>who has separate property in his / her property, economic management or operational management and is liable for his / her obligations with this property, who may have property or personal non-property rights on his / her behalf and an organization that can perform, fulfill its obligations, be a plaintiff and a defendant in court</p>
<p align="center"><b>Якка тартибдаги тадбиркорлик</b></p>	<p>жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошириш, янги товарларни тайёрлаш, шу жумладан товарларни уларнинг асосий хусусиятларини қайта ишлаш маҳсулотларида сақлаб қолган ҳолда монтаж қилиш, йиғиш ёки қисмларга</p>	<p>carrying out business activities by an individual (sole proprietor) without the formation of a legal entity, production of new goods, including assembly,</p>

	ажратиш	assembly or disassembly of goods while retaining their basic properties in processed products
<b>Бартер шартномаси</b>	келишиб олинган миқдордаги бир товарни бошқа бир товарга ўзаро ҳисоб китобларни валютада амалга оширмасдан алмаштиришни назарда тутувчи шартнома	an agreement that provides for the exchange of one agreed amount of goods for another without the need for mutual settlements in foreign currency
<b>Мажбуриятларни лозим даражада бажариш</b>	мажбуриятларни шартнома шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ тарзда бажариш	to perform the obligations in accordance with the terms of the contract and the requirements of the legislation, and in the absence of such conditions and requirements, in accordance with the customs of business or other requirements
<b>Шартнома шартлари</b>	ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаб олиш усули	a way of defining mutual rights and obligations
<b>Форс-мажор</b>	томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва	natural disasters (earthquakes, landslides, hurricanes, droughts, etc.) or socio-economic circumstances (state of war, siege, banning imports

	<p>бошқалар) сабабли юзага келган шартларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир</p>	<p>and exports in the interests of the state, not related to the will and activities of the parties, and others) are emergencies, unavoidable and unforeseen circumstances that prevent the parties from fulfilling their obligations under the circumstances</p>
<p><b>Тадбиркорлик шартномаси</b></p>	<p>икки ёки ундан ортиқ тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги фойда олишни мақсад қилиб қўйган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ўзаро келишувидир</p>	<p>is a mutual agreement between two or more business entities to carry out business activities aimed at making a profit on the creation, modification and termination of their rights and obligations</p>
<p><b>Тадбиркорлик шартномасининг предмети</b></p>	<p>бир тарафнинг иккинчи тараф фойдасига мажбуриятларни бажариш бўйича амалга ошириши керак бўлган ҳаракатлари натижаси бўлган етказиладиган маҳсулот, бажариладиган ишлар ёки кўрсатиладиган хизматлар</p>	<p>the goods, works or services to be delivered as a result of the actions of one party to perform the obligations in favor of the other party</p>
<p><b>Тадбиркорлик шартномасининг тарафлари</b></p>	<p>шартномага имзо қўйиш ёки бошқа тарзда шартномада юзасидан ҳуқуқларга эга бўладиган ва мажбурият(лар)ни зиммасига оладиган, шунингдек шартномада номи тараф сифатида эътироф этилган шахс</p>	<p>a person who has the right to sign the contract or otherwise under the contract and assumes the obligation (s), as well as the person whose name is recognized as a</p>

		party to the contract
<b>Лицензия</b>	лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (ҳуқуқ)	Permit (right) issued by a licensing body to a legal entity or an individual to carry out the licensed type of activity with unconditional compliance with the terms and conditions of the license
<b>Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомили (рухсат бериш тартиб-таомили)</b>	ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тартиб-таомилидаги аризанинг топширилиши ва кўриб чиқилиши, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг берилиши, амал қилиш муддатининг узайтирилиши, тўхтатиб турилиши, қайта тикланиши, тугатилиши, қайта расмийлаштирилиши ва бекор қилиниши жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи	submission and consideration of the application for the issuance of a permit for the performance of actions and (or) the implementation of certain activities, the issuance of a permit, extension, suspension, reinstatement, a set of measures related to the process of liquidation, re-registration and cancellation
<b>Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат</b>	ваколатли орган томонидан қабул қилинадиган ва тадбиркорлик субъектига бериладиган, тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳамда рухсатнома, келишув, ҳулоса шаклида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ифода қилинадиган қарор	a decision adopted by the competent authority and issued to the business entity, giving the right to perform actions and (or) to carry out certain activities in the field of entrepreneurial activity and

		expressed in the form of permits, agreements, conclusions, as well as other forms provided by law
<b>Назорат қилувчи органлар</b>	тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралардир	ministries and agencies authorized by law to control the activities of business entities by the state
<b>Текшириш</b>	деганда тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай ба жарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши тушунилади	means a one-time control by law enforcement agencies over the implementation of laws and other legislation governing their activities
<b>Рақобат</b>	ҳўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди	competition of economic entities (competitors), in which their independent actions exclude or limit the possibility of unilateral influence of each of them on the general conditions of commodity circulation in the commodity or financial market
<b>Рақобатга</b>	рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳўжалик юритувчи с	actions prohibited



<p><b>қарши ҳаракатлар</b></p>	<p>убектлар учун ман этилган ҳаракатлар, шунингдек давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатлари (ҳарақацизлиги)</p>	<p>by the competition legislation for business entities, as well as actions (inaction) of public administration bodies, local authorities and their officials aimed at restricting competition</p>
<p><b>Инсофсиз рақобат</b></p>	<p>хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари</p>	<p>aimed at gaining an advantage of the business entity or group of persons in the implementation of economic activities, which contradicts the legislation, business practices and causes or may cause harm to other business entities (competitors) or their actions that may or may not damage the business reputation</p>
<p><b>Оила</b></p>	<p>Бу никоҳ, эр-хотинлик, фарзандлар, ота-оналар ҳамда ўзаро қариндош, қондош, қариндош бўлган шахсларнинг умумий рўзғор, умумий хўжалик ҳамда оиладаги маиший-маданий ишларни ғамхўрлик, ўзаро ҳурмат,</p>	<p>It is a group of persons, marriage, couple, children, parents and relatives, cousins, relatives who</p>

	ҳамжихатлик асосларида юритувчи шахслар гуруҳи, иттифок, хонадон	carry out the common household, common economic and family affairs on the basis of care, mutual respect, solidarity, union, household
<b>Оила ҳуқуқи</b>	Бу оила ҳуқуқи тузилиши, унинг муайян кетма-кетликдаги алоҳида институтлари ва меъёрлари таркибидир. Оила ҳуқуқи тизими объектив равишда тузилиб, оила ҳуқуқи предметиға кирадиган ижтимоий муносабатларни ўзига хослигини акс эттиради, ҳамда ўзаро боғланган оилавий-ҳуқуқий институтларнинг бирлиги ва фарқланишида намоён бўлади	It is the structure of family law, the composition of its individual institutions and norms in a particular sequence. The system of family law is objectively structured and reflects the specificity of the social relations that are the subject of family law, as well as the unity and differentiation of interconnected family law institutions
<b>Никоҳ</b>	Никоҳ ёшиға етган, қонунға мувофиқ оила қуришни истаган эркак ва аёлнинг ихтиёрий розилиги ҳамда тенг ҳуқуқлилигига асосланган, расмийлаштирилган, ўзаро	An alliance based on the voluntary consent and equality of a man and a

	шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирадиган иттифок	woman who have reached the age of marriage and wish to marry in accordance with the law, and form a mutual personal and property rights and obligations
<b>Сохта никоҳ</b>	Оилавий ҳаётда яшашни мақсад қилмаган ҳолда бирон-бир манфаатни кўзлаб (мисол учун мол-мулкка эга бўлиш) тузилган никоҳдир	It is a marriage entered into for any benefit (for example, property) without the intention of living in a family
<b>Фарзандликка олиш</b>	Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларни оилага жойлаштириш шакли. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик оргаларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги ҳулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади	A form of family placement of minors deprived of parental care. Adoption is carried out by the court at the request of the person (person) wishing to adopt the child, taking into account the conclusion of the guardianship and trusteeship authorities on the validity of the adoption and

		the interests of the adopted child
<b>Васийлик</b>	<p>Ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахӣ номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли</p>	<p>A legal form of placement of orphans and children deprived of parental care under the age of fourteen, as well as citizens declared incompetent by a court in order to provide them with support, upbringing and education, to protect their property and personal non-property rights and legitimate interests</p>
<b>Ҳомӣлик</b>	<p>Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахӣ номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли</p>	<p>A legal form of placement of orphans and children deprived of parental care, as well as citizens with disabilities from the age of fourteen to eighteen, for the purpose of providing them with support,</p>

		upbringing and education, protection of their property and personal non-property rights and legitimate interests
<b>Никоҳ ёши</b>	бу никоҳланувчи шахсларнинг қонун доирасида белгиланган ёшга етишлари	that is, that the persons to be married reach the age prescribed by law
<b>Никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги</b>	никоҳланувчи шахсларнинг ўзга шахслар томонидан мажбур этилмасдан оила қуриш учун эркин, тенглик ва ўзаро ихтиёрийлик асосида никоҳни расмийлаштиришлари	the registration of marriage on the basis of freedom, equality and mutual voluntariness of the parties to the marriage to be married without coercion by other persons
<b>Никоҳ шартномаси</b>	никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви	an agreement between the parties to the marriage or the husband and wife during their marriage and (or) in the event of the divorce of the husband and wife, defining their property rights and obligations
<b>Никоҳдан</b>	эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқӣ муносабатларнинг келажак вақт	termination of the legal relationship

<b>ажралиш</b>	учун тугатилиши	between the couple for the future
<b>Никоҳнинг тугатилиши</b>	маълум юридик фактлар туфайли эр-хотин ўртасида вужудга келган никоҳ ҳуқуқий муносабатларининг тугалланиши	the termination of the marital legal relationship between the couple due to certain legal facts
<b>Оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенглиги</b>	Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 3-моддасига асосан, барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эга эканликлари нормаланган бўлиб, никоҳ тузиш чоғида жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашшга йўл қўйилмаслиги белгиланган	According to Article 3 of the Family Code of the Republic of Uzbekistan, all citizens have equal rights in family relations. direct or indirect restriction, direct or indirect preference, and interference in family relations
<b>Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази</b>	жисмоний имкониятлари чекланган (ногиронлар, жисмоний нуқсонли бўлган ҳамда асаб ва руҳияти бузилган болалар, сурункали оғир касалликлардан азоб чекувчи болалар), ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга қирадиган болаларни (етимлар, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қаровисиз қолган болалар, нотинч оилалар болалари), шунингдек ижтимоий мослашувда қийинчиликка эга бўлган, бироқ хатарли гуруҳларга қирмайдиган алоҳида иқтидорли болаларни	children with disabilities (disabled, physically challenged, mentally and emotionally disturbed, chronically ill), socially and legally at-risk groups (orphans, children left without parental care, children from

	<p>(умумий махсус қобилиятли болаларни, хусусан: спортга, бадий, илмий ва бошқа қобилиятларга эга бўлган болаларни) (кейинги ўринларда болалар деб аталади) ижтимоий мослаштириш муаммоларини ўрганувчи мустақил ташкилот ҳисобланади</p>	<p>troubled families) ), as well as an independent organization that studies the problems of social adaptation of gifted children (children with general special abilities, in particular: children with sports, artistic, scientific and other abilities) (hereinafter referred to as children) who have difficulty in social adaptation but do not belong to risk groups</p>
<p><b>Сохта никоҳ</b></p>	<p>оилавий ҳаётда яшашни мақсад қилмай, бирон-бир мол-мулкка, бойликка, уй-жойга ҳамда уй-жойга доимий рўйхатдан ўтишни мақсад қилиб тузилган никоҳ</p>	<p>a marriage entered into for the purpose of permanent registration of any property, wealth, home, and dwelling, without the intent to live in a family life</p>
<p><b>Фарзандликка олиш</b></p>	<p>ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларни оилага жойлаштириш шакли. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахсинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик</p>	<p>a form of family placement of minors deprived of parental care. Adoption is carried out by the court at the request of the</p>

	<p>органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади</p>	<p>person (person) wishing to adopt the child, taking into account the conclusion of the guardianship and trusteeship authorities on the validity of the adoption and the interests of the adopted child</p>
<p><b>Эр ва хотиннинг хусусий мулки</b></p>	<p>никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки</p>	<p>property belonging to him before marriage, as well as property received by each of them during the marriage as a gift, inheritance or on the basis of other free agreements</p>
<p><b>Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки</b></p>	<p>эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари</p>	<p>property acquired by the husband and wife during the marriage, as well as property acquired at the expense of the total resources of the future couple before the marriage is registered</p>
<p><b>Алимент</b></p>	<p>қариндошларнинг ва бошқа шахсларнинг бири иккинчисига қонунда белгиланган ҳолатларда ва миқдорда моддий таъминот бериши</p>	<p>to provide material support to one of the relatives and other persons in the cases and in</p>



		the amount established by law
<b>Алиментни индексация қилиш</b>	Суднинг ҳал қилув қарорига асосан пул билан тўланадиган қатъий суммада ундирилаётган алиментларни индексация қилиш алиментлар ушлаб қолинаётган жойда қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мутаносиб равишда амалга оширилади	According to the decision of the court, the indexation of alimony collected in a fixed amount paid in cash is carried out in proportion to the minimum amount of wages established by law in the place where alimony is withheld
<b>Алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиш</b>	Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув (алимент миқдори, шартлари ва тўлаш тартиби) алимент тўлаши шарт бўлган шахс билан алимент олувчи ўртасида тузилади. Агар алимент олувчи муомалага лаёқатсиз бўлса, келишув унинг қонуний вакили билан тузилади	An agreement on the payment of alimony (amount, conditions and procedure for payment of alimony) is concluded between the person who is obliged to pay alimony and the recipient of alimony. If the alimony recipient is incapacitated, the agreement is concluded with his legal representative
	Оила кодексини 91-моддасига биноан, ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида мулки бўлиши	According to Article 91 of the Family Code,

<p><b>Ота-она ва болаларнинг алоҳида мол-мулки</b></p>	<p>мумкин ва бирга яшаб турганда улар бир-бирларининг розилиги билан бундай мулкка эгалик қилишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин</p>	<p>parents and children may have separate property and while living together they may own and use such property with the consent of each other</p>
<p><b>Ота-она ва болаларнинг умумий мулки</b></p>	<p>Амалдаги Оила кодексини 92-моддасига биноан, ота-она ва ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаган болалар ўртасида қонунда белгиланган тартибда умумий мулк ҳуқуқи вужудга келиши мумкин</p>	<p>According to Article 92 of the current Family Code, a common property right may be established between a parent and a minor who has reached the age of fourteen in accordance with the procedure established by law</p>

## VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 112 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

5. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

6. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т.21. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 384 б.

7. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.-302 б.

### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., 2018.

2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги №ЎРҚ-328,

02.05.2012 //Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.–2012. 18-сон 201-модда.

3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 2014. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.;

4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2018.;

5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги –Т.: Адолат, 2018 й. – 568 б.;

6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 446-модда.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

8. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

9. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат // Халқ сўзи. 2015 йил 6 декабрь.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 467-модда.

## Махсус адабиётлар

1. Riches S, Allen V. Keenan and Riches' business law, 11 the ed, Ashford Color Press.2013. 760 p
2. Essential Contract Law, Cavendish Essential series, Geoff Monahan, Second edition, London. 2001. P.254.
3. Дўстов У.Н., Юлдошев Ж.И., Исаков Т.У., Хаитбаев М.М. Хўжалик шартномалари. Ўқув кўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2009. – 158 б.
4. Занковский С.С. Предпринимательские договоры/Отв. ред. В.В. Лаптев. -"Волтерс Клувер", 2004 г. -304 с.
5. К. McConnel, S. Brew. Economics: Principles, problems and policy, 1992
6. Қодиров К. Хўжалик шарномаси: расмийлаштириш тартиби, бажарилишини таъминлаш усуллари ва амалиёти.-Т.: “Янги аср авлоди”-2003. – 691 б.
7. Нарзиев О. Хозяйственные (предпринимательские) договоры. Учебное пособие. Ответственный редактор: д.ю.н, проф.О.Окюлов. – Т.: ТГЮИ, 2010. – 206 с.
8. Отахонов Ф., Қодиров К., Отахонов С., Хажиев Н. Фукаролик-хукукий шартномалар. -Т.: “Print Media”, 2011. – 560 с.
9. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Дарслик. 1-2 том. Ш.Н.Рўзиназаров ва бошқалар. -Тошкент: Консаудитинформ, 2002.
10. Хозяйственное предпринимательское) право. Учебник. //под ред. Окюлова О. - Т.: ТГЮИ, 2010. 560 с.
11. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи (лотин алифбосида). Муаллифлар жамоаси. Отахонов Ф.Х.нинг умумий таҳрири остида -Тошкент: Адолат, 2007. – 466 б.
12. Юридик хизмат ва шартнома муносабатларини тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами / Р.А. Мухитдиновнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 2009. -400 б.
13. Оила ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. .–Тошкент: ТДЮУ, 2017. 182 б.;
14. Оила ҳуқуқидан ўқув-услугий кўлланма. Юлдашева Ш.Р., У.Ш.Шорахметова, Б.Р.Топилдиев. –Тошкент: ТДЮИ, 2011.;
15. Дўстов У.Н., Юлдошев Ж.И., Исаков Т.У., Хаитбаев М.М. Хўжалик шартномалари. Ўқув кўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2009. – 158 б.

## Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.gov.uz>
2. <http://www.lex.uz>
3. <http://www.edu.uz>
4. <http://www.norma.uz>

5. <http://www.gov.uz>
6. <http://www.my.gov.uz>
7. <http://www.parliament.gov.uz>
8. <http://www.ziyonet.uz>

## VIII. TAҚРИЗЛАР

М. Таджибаева ва Г. Мамараимовалар томонидан тайёрланган Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун тайёрланган “Оила ва бизнес ҳуқуқи” модули ўқув услубий мажмуасига

### ТАҚРИЗ

Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун М. Таджибаева ва Г. Мамараимовалар томонидан “Оила ва бизнес ҳуқуқ” модули ўқув услубий мажмуаси тайёрланган.

Мазкур УМК мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5847-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган.

Мазкур ўқув услубий мажмуаси тингловчиларга оила ва бизнес ҳуқуқига оид фанларни ўқитиш методикаси, таълим-тарбия вазифалари, мазмуни, метод ва усулларини таҳлил этиш кўникмасини шакллантириш, унинг ўзига хос хусусиятлари, методлари, воситалари, дарс ва унинг турлари ва тузилиши тўғрисида маълумотлар беради. Бундан ташқари, ўқув услубий

мажмуада ҳар бир мавзуга доир маъруза матнлари, амалий машғулот материаллари, кейслар ва глоссарийлар ҳамда адабиётлар рўйхати келтирилган.

Ушбу мажмуа Ўқув услубий мажмуасига қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради ва уни оммавий эълон қилишга тавсия берамиз.

“Фуқаролик процессуал ва  
иқтисодий процессуал ҳуқуқи”  
кафедраси мудири



ю.ф.и., проф. Д.Хабибулласев



М. Талжибаева ва Г. Мамаранмовалар томонидан тайёрланган  
Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги  
Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш  
маркази Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун тайёрланган  
“Оила ва бизнес ҳуқуқи” модули ўқув услубий мажмуасига

### ТАКРИЗ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврдаги кунларданок, марказлаштирилган маъмурий-бўйруқчиликка асосланган иктисодиётдан воз кечиб мамлакат ривожланишининг устувор йўналишини сифатида бозор иктисодиётини шакллантириш белгилаб олинди. Таъкидлаш жонтки, мустақиллик йилларида ислохотларнинг асосини, хусусий мулкчиликни шакллантириш, кўчмас мулк бозорини модернизация қилиш ва ривожлантириш, шунингдек кўчмас мулк бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш ҳужалик юритувчи субъектларнинг тadbиркорлик фаолияти соҳасини ислоҳ қилиш ташкил этмоқда.


Таъкидлаш жонтки, жамиятда бўладиган ижтимоий муносабатларнинг даврдаги элементи оилада вужудга келади ва шаклланади. Оиладаги қатнашларнинг бир-бири, бошқалар билан атроф-муҳит, молмуякка бўлган муносабати ёшларнинг шу масалаларга муносабатини шаклланиши учун ўрнатқ бўлади. Шу билан бирга бутунги кунда оила муносабатларини тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқшунос олимларнинг назарий фикрларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий

таълим муассасалари педагог кадрларининг улуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фэрмонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Муаллифлар томонидан тайёрланган ушбу дастур ҳам ана шу мақсадларга эришиш йўлида хизмат қилади.

Қўқорида қайд этилган ҳолатларни эътиборга олиб, муаллифларнинг “Оила ва бизнес ҳуқуқи” модули бўйича ўқув услубий мажмуасини нашрга тавсия этиш мумкин деб ҳисоблайман.

ТДЮУ Бизнес ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси  
юридик фанлари номзоди, Phd.



Л.Н.Ачилова